БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 16 (3815). ЖУМА 19 ЯНВАРЬ 1979 й.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Беш йилликнинг тўртинчи йилида янги зафарларга эришайлик

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ, ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1979 ЙИЛГА ОЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ишлаб чиқариш самараси, товар маҳсулотни реализация қилиш ва асосий буюмлар ишлаб чиқариш юзасидан беш йилликнинг уч йили топшириқларини муддатидан илгари —1978 йил 3 ноябрда бажарди.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан берилган топшириқлари ошириб бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йилги ноябрь Пленумида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев нуткида баён этилган қоидаларга амал қилиб, бирлашма коллективи ўзининг бутун куч-ғайратини ишлаб чиқариш жараёнларини интенсивлашни таъминлашга, коллектив ишининг самарадорлигини, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини янада оширишга сафарбар қилди ва 1979 йилга қўйидаги социалистик мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Маҳсулотни реализация қилиш юзасидан давлат плани ва тиғиз план муддатидан илгари, 25 декабрда бажарилади. Юз минг сўмлик халқ истеъмол моллари чиқарилади. Буюмларнинг таннархини камайтириш ҳисобига пландан ташқари 400 минг сўм фойда олинади.

Ишлаб чиқаришнинг техника даражасини янада ошириш мақсадида рақамли программ бошқариладиган станокларда ишланадиган деталлар хили анча кўпайтирилади, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришни механизациялаш даражаси оширилади, асбоб-ускуналарнинг ҳар сменадаги самарадорлик коэффициенти янада кўпайтирилиши таъминланади ҳам ЭҲМ негизида ишлаб чиқаришга бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларини янада ривожлантириш тадбирлари амалга оширилади. ишлаб турган цехлар ва участкалар реконструкция қилинади, механизациялаштирилган 8 та омбор қурилади.

Янги техникани жорий этиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш планларини бажаришдан 1 миллион 480 минг сўм ва 3250 та рационализаторлик таклифини жорий этишдан 2 миллион сўмлик иқтисодий самара олиш таъминланади.

Технологияни такомиллаштириш, моддий ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш ҳамда иш жойларида тежамкорлик шахсий варақаларини кенг жорий этиш ҳисобига асосий буюмларни тайёрлашда меҳнат сарфи 12 процент камайтирилади, 350 тонна қора ва рангли металл, 5.2 миллион киловатт-соат электр қуввати, 645 тонна шартли ёнилғи тежаб олинади.

Бўлинмалар иш сифатининг коэффициентини ошириш таъминланади, маҳсулотнинг 97,7 процени биринчи марта тақдим этишдаёқ бенуқсон топширилади. Конструктив — ишлаб чиқариш камчиликлари юзасидан даъволар 1978 йилдагига нисбатан 10 процент камайтирилади, халқ истеъмол буюмларининг ҳажми жиҳатидан камида 60 проценти давлат Сифат белгиси билан чиқарилади.

Социал ривожланиш планини бажара бориб камида бир ярим минг оиланинг уй-жой шароити яхшиланади, профилакторий, ошхона қурилишида ишлар ҳажмининг ошириб бажарилиши таъминланади, авиасозлар шаҳарчасида маданият саройининг биринчи навбати қуриб битказилади, кўпчилик ишчиларнинг малакаси оширилади.

Тошкент авиасозлари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йилги ноябрь Пленуми қарорларини муваффақиятли бажаришга ўзларининг бутун куч, билим ва тажрибаларини сарфлайдилар, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилини коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар, СССР Олий Советига сайловни мукосиб кутиб оладилар ва КПСС XXV съезди қарорларининг бажарилишини таъминлашга муносиб ҳисса қўшадилар. деб КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматига ваъда берадилар.

Социалистик мажбуриятлар бирлашма корхоналари ва цехлари меҳнаткашлари вакилларининг йиғилишида қабул қилинган.

Календарда 1981 йил

«Главташкентстрой»нинг 159-қурилиш трестига қарашли 13-қурилиш бошқармасининг Ленин ордени наваларн Т. Самигов бошчилигидаги комплекс бригадаси трестда биринчилардан бўлиб, ўнинчи беш йиллик топшириқларини адо этган.

БУГУН

ПЕШҚАДАМ КОЛЛЕКТИВНИНГ МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА 1981 ЙИЛНИНГ ФЕВРАЛЬ ОЙИ БОШЛАНДИ. Злобинча бригада пудрати методи асосида ишлаётган қурувчилар ҳозир Тимирязев кўчасида тўрт қаватли турар жой биносини графиндан бир ой ўзиб қуришяпти. Бинонинг пойдеворини монтаж қилишда Ғ. Алиев, А. Шохакимов, И. Сидоров каби ишчилар. айниқса ғайрат кўрсатишяпти. Улар кунлик топшириқни 135—140 процентга етказиб адо этишяпти. Комплекс бригада қурувчилари иш суръатини янада ошириб, СССР Олий Советига сайловлар ўтказиладиган кунигача планга қўшимча 5 минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилишди.

М. ФЕЛЬДМАН.

1979 йил 4 МАРТ ЯКШАНБА — СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

КЕЧА

шаҳримизда Куйбишев район партия комитетининг мажлислар залига СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи 601-Тошкент — Киров сайлов округи қошида ташкил этилган 64 та сайлов участкасининг раислари, участкалар қошидаги агитпунктларнинг мудирлари, сайлов участкаларининг секретарлари, район партия комитети ҳамда район ижроия комитетининг сайлов участкалари иши устидан назорат олиб борувчи масъул ходимлар йиғилишди.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи 601-Тошкент — Киров сайлов округида олиб борилаётган тайёргарлик ишлари тўғрисида Куйбишев район ижроия комитетининг секретари А. Ф. Костенко ахборот берди. Йиғилишда Куйбишев район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири З. Н. Тожиев райондаги агитаторлар армиясининг сайловчилар ўртасида олиб борадиган агитация ва пропаганда ишлари тўғрисида гапирди.

Шунингдек, йиғилишда сайлов участкалари ва улардаги агитпунктларнинг тайёргарлик ишларини янада авж олдириш тўғрисида тадбирлар белгиланди.

НАМУНАЛИ АГИТПУНКТ

Ленин районидаги Билимлар уйи қошида жойлашган 1/1 сайлов участкасининг агитпункти намунали иш олиб бормоқда. Агитпункт СССР Олий Советига бўладиган сайловларга оид энг янги брошюралар, газета ва журналлар билан таъминланган. Намунали навбатчилик ташкил этилган. Ҳозир агитаторлар коллективи сайловчилар рўйхатини тузиш борасида иш олиб бормоқда.

СУРАТДА: ишчан агитаторлардан Валентина Тихонова ва Анвар Собиров.

М. Нуриддинов фотоси.

РЎЙХАТЛАР ЁЗИЛЯПТИ

Луначарское шоссеси бўйлаб «Салом» чойхонасига яқинлашгач 241-мактаб биноси кўзга ташланади. Унинг пештоқи 80/75-сайлов участкаси шу ерга жойлашганлиги ёзиб қўйилган. Севастополь, Владивосток кўчасининг тоқ томонидаги Перекоп кўчаси, Луначарское шоссесининг ўнг томонидаги, шу кўчадаги 135, 137, 137а, 137б рақамли уйлар. Ленинчи курсантларнинг 4-ва 6-уйларида истиқомат қилувчи сайловчилар ана шу сайлов участкасидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига ва Миллатлар Советига депутатликка номзодлар учун овоз бердилар.

241-мактаб партия ташкилоти секретарининг ўринбосари, рус тили ўқитувчиси Г. Ш. Ягудина мудирлик қилаётган агитпунктга келувчиларни сайлов участкасининг секретари Валентина Сергеевна Лазарева ҳушчақчақ кутиб олади. Мактаб педагогика коллективининг ҳаммаси — 37 ўқитувчи ана шу сайлов участкаси бўйича сайловчилар ўртасида агитация ва пропаганда ишларини олиб бормоқдалар.

Комиссия фаолияти ортмоқда

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи 601-Тошкент — Киров округ сайлов комиссияси куни-кеча ўзининг учинчи йиғилишини ўтказди. Йиғилишда шу сайлов округига кирувчи Куйбишев, Ҳамза ва Киров район ижроия комитетининг сайлов олди тайёргарликлари тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Округ сайлов комиссияси ўз фаолиятини аниқ план асосида олиб бормоқда. Ҳафтанинг сешанба кунларида қилинган ишларга якун ясалиб, навбатдаги вазифалар белгилаб олинмоқда. Ҳозир райондаги 64 та сайлов участкасида сайлов олди тайёргарлик ишлари қизғин тус олган.

«БИЛИМ» ЖАМИЯТИ ПЛЕНУМИ

«Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти правлениесининг VII пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленуми материалларини пропаганда қилиш ва СССР Олий Советига сайловларга тайёргарлик юзасидан лекторларнинг вазифаларини муҳокама қилдилар. «Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси Ш. З. Уразаев доклад қилди.

Докладчи ва музокара қатнашчилари — ТошДУ «Билим» жамияти бошланғич ташкилоти правлениесининг раиси М. Мирабдуллаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти бошланғич ташкилоти раисининг ўринбосари М. М. Файзиев, халқаро мавзуда лекция ўқувчи лектор А. С. Абдувалиев, «Средазкабель» бошланғич ташкилотининг раиси В. М. Чанцева ва бошқалар КПСС Марказий Комитети ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорлари, унда ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқ, пойтахт кўп минг сонли лекторлар отрядининг жанговар ҳаракат программаси эканлигини таъкидлашди.

Жамият аъзолари КПСС Марказий Комитети Пленуми материалларини пропаганда қилиш билан бирга СССР Олий Советига сайловларга тайёргарлик юзасидан ишга актив қўшилдилар. Лекторлар Тошкент меҳнаткашларини беш йиллиннинг тўртинчи йили план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли амалга оширишга Тошкент меҳнаткашларини сафарбар этишда партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатишни ўзларининг биринчи галдаги бурчлари деб билмоқдалар.

Пленумда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

18 январь куни Тошкентда Совет — Ҳиндистон дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлими ташкил қилинган куннинг 20 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Бўлим президенти — Ўзбекистон ССР халқ шоираси Зулфия ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар бўлим ўзининг бутун фаолияти билан Совет — Ҳиндистон дўстлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашаётганлиги ҳақида мамнуният билан гапирдилар. Ҳиндистон — Совет маданиятаи жамиятининг миллий кенгашидан, Панжоб штатининг жамоат арбобларидан бўлим номига табрикномалар келди. Ўзбекистон Панжоб штати билан маҳкам алоқа боғлаб турибди.

(ЎзТАГ).

• *Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати давом этмоқда*

Уюшқоқлик билан

Собир Раҳимов районида аҳолини рўйхатга олиш қизғин ўтмоқда. Район штабидан маълум қилиларича Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олишнинг биринчи кунида район бўйича 20 мингдан ортиқ хамшаҳарларимиз рўйхатга олинган. Бугунги кунда район бўйича ўн битта рўйхатга олиш бўлими ишлаб турибди. Уларда 74 инструктор ва 600 ҳисобга олувчи бор. Район бўйича энг оғир участкалардан ҳисобланган 5-рўйхатга олиш бўлимида ўн инспектор ва эллик ҳисобга олувчи ишламоқда. Уларнинг кўпчилиги В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети география ва математика факультетларининг талабаларидир. Студентлар ёрдамида Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олишнинг биринчи кунида 4 минг киши рўйхатга олинган бўлса. эртасига 5 минг киши рўйхатдан ўтказилди.

Иккинчи участкаларнинг инструктори Г. Каримова, саккизинчи участка инструктори Л. Тришовова, ўнинчи участка инструктори М. Юсупова, аҳолини рўйхатга олишда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Ҳисобчилардан география факультети студенти Ж. Сатторов ва Х. Исломов, математика факультети талабалари Қ. Қодиров, Я. Пиперян ўзларига биркитилган участкалардаги аҳолини рўйхатга олиб бўлишди.

АНИҚ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

Самолётлар шаҳарчасидаги 21-турар жой биноси атрофи одатдагидан гавжум. Бу ердаги 7-ЖЭК идорасида аҳолини рўйхатга олиш бўлими жойлашган. Эрта тонгдан бўлимга келган ҳисобчилар топшириқни олиб, тарқалишади.

— Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олишнинг биринчи куниёқ 1.126 квартирада бўлиб 938 кишига варақа тўлдирилди, — дейди 5-аҳолини рўйхатга олиш бўлимининг мудири Мирзоҳид Орипов.

Тошкент медицина институтининг 33 студенти хонадонларда бўлиб, аҳолини рўйхатга олмоқда. Г. Назарова, Т. Ступина, Х. Буранова, С. Шержанова зиммаларига олган топшириқларини муваффақиятли адо этишмоқда. Бу студентларга инструктор контролёр Н. Абдуллаева, Б. Қаюмов, яқиндан ёрдам бермоқда.

Райондаги 1-ҳисобласт бўлимида аҳолини рўйхатга олиш ана шундай қизғин ўтмоқда. Ҳисобчилар ҳозиргача Куйбишев, Фигельский, Гоголь кўчаларидаги уйларда бўлишди.

ОЛДИНДАН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИБ

Киров районида Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олишда 559 киши иштирок этмоқда. Олдиндан тузилган аниқ ялан асосида райондаги аҳолини ҳисобга олишга киришилди. Тошкент алоқа электротехника институти студентларидан 380 киши ўтган йили 25 декабрда бошланган лекцияларда иштирок этиб, имтиҳонлар топширди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу студентлар ўзларига биркитилган участкаларда аҳолини рўйхатга олишни тезкорлик билан олиб боришмоқда.

Институт биносида райондаги саккиз ҳисобласт бўлимининг биттаси жойлашган.

Аҳолини рўйхатга олиш республикамизда зўр уюшқоқлик билан ўтмоқда. Минглаб ҳисобчилар ўз участкаларида фаоллик кўрсатишяпти. Рўйхатга олиш якунлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар электрон ҳисоблаш техникаси ёрдамида қайта ишланмоқда.

СУРАТДА: ҳисобчи Матлуба Шодмонова (ўнгда) Тошкент шаҳрининг янги микрорайонларидан бирида яшаётган Турсуновлар оиласи ҳақидаги маълумотларни қайд этмоқда.

Р. Шагаев фотоси,

ЎзТАГ фотохроникаси.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

республика «Билимлар уйи»да Улуғ Ватан урушн йилларида Ленинград шаҳрининг қамали ёриб ўтилганлиги ва бу шаҳар озод этилганлигининг 35 йиллиги муносабати билан маданий тадбир ўтказилди. Унга ана шу шаҳарнинг мудофаасида қатнашган ҳамшаҳарларимиз ҳам таклиф этилди. Кечада тарих фанлари кандидати, запасдаги полковник А. Мамажонов Улуғ Ватан уруши йилларида қаҳрамон шаҳар аҳолисининг кўрсатган мислсиз жасорати ва Совет Армиясининг шавкатли довюраклиги ҳақида лекция ўқиди. Шундан кейин йиғилганларга «Ленинград — қаҳрамон шаҳар» ҳужжатли фильми ва «Қамал» бадиий фильми кўрсатилди.

Тошкент шаҳар «Билим» жамияти ташкилоти СССР Олий Советига бўладиган сайловлар куни олдидан олимларнинг шаҳар районлари бўйлаб оммавий чиқишларини ташкил қила бошлади. Бир қатор илмий-тадқиқот институтларининг олимлари, юстиция муассасаларининг мутахассисларидан иборат бўлган группа Сергели районида бўлди. Бу районнинг экспериментал механика заводида, 57-қурилиш-монтаж бошқармасида, 12-автомобиль паркида, мактабларда ва кўпгина муассасаларда турли мавзуларда мазмунли суҳбатлар ўтказилади. Лекторлар «Ленин социалистик демократик ҳақида», «Халқ депутатларининг Советлари», «Совет сайлов системаси», «СССР Олий Советига бўладиган сайловлар, тўғрисидаги қонунлар» ҳақида йиғилганларга гапириб бердилар.

Олимларнинг бундай чиқишлари Чилонзор, Ҳамза, Ленин районларида ҳам ўтказилди.

Свердлов номли концерт залида шаҳримиздаги ёш ижодий коллективларнинг ҳисобот концертларини намойиш қилиш бошланди. Бир қатор ижодий коллективлар шу ойда Ленинград шаҳрида бўладиган Бутуниттифоқ ёш талантларнинг кўригида қатнашиш учун катта тайёргарлик ишларини кўрдилар. Шаҳримиз вакиллари қаҳрамон шаҳарда бўладиган санъат намойишида ўзбек композиторларининг музика асарларини ва халқ рақсларини кўрсатадилар.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўзбек Давлат филармониясининг «Гўзал» ва «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройининг «Лола» вокал-чолғу ансамбллари ана шу кўрикка тайёргарлик кўрдилар.

Бугун

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти илмий-тадқиқотлар, гипотезалар ва кашфиётлар ҳақида ҳикоя қилувчи оммавий шаклдаги серияли брошюраларни нашр қилишга киришди.

Ўзбекистоннинг сейсмологлари Ғ. Мавлонов, С. Эргашев ва А. Султонхўжаевларнинг ҳаммаларнинг диққатини жалб этадиган китобчасида зилзилаларни олдиндан билишнинг масалалари ҳақида ҳикоя қилинади. Олимлар узоқ йиллар мобайнида олиб борган илмий изланишларига кўра артезиан сувларининг химиявий таркиби ўзгариши натижасида ернинг силкинишини олдиндан айтиб бериш мумкинлигини исботламоқдалар. Бу борада олинган дастлабки натижалар диққатга сазовордир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ленин мукофоти лауреати Ё. Тўрақулов ўзининг «Табиатдаги жонли молекулалар ва генлар» деган китобида молекуляр генетика ва биологиянинг ютуқлари билан таништиради.

Археологлар Г. Шишкина ва Ш. Шораҳимовлар тузган сафарномада китобхонлар қадимий Самарқанд шаҳрига таклиф қилинади, қадимий меъморчилик обидалари билан таништирилади.

Октябрь районининг Оқтепа массивида жойлашган 22-поликлиникада маданият, меҳнат ва спорт эстафетаси ўтказилди. Эстафета қатнашчилари кекса медицина ходимларининг Октябрь районида кишилар саломатлигини сақлаш борасида олиб борган ишлари ҳақидаги ҳикояларни тингладилар. Тажрибали врачлар жисмоний тарбия ва спортнинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини ҳаётий мисоллар билан сўзлаб беришди.

Бир кунда 500 кишига хизмат кўрсатаётган бу поликлиникада 130 га яқин медицина ходими меҳнат қилмоқда. Шифокорлар орасида фан кандидатлари ҳам бор.

республика илмий-техника жамиятининг советига қарашли «Техника уйи»да аналитик химия бўйича семинар ўтказилди. Бу тадбирни Тошкент Давлат университети ва Менделеев номидаги Бутуниттифоқ химия жамиятининг республика правлениеси ташкил этди.

Семинар ишида республикамизнинг Наманган, Олмалиқ, Навоий, Самарқанд, Чирчиқ ва бошқа шаҳарларида аналитик химия бўйича иш олиб бораётган мутахассислар иштирок этишди.

Бу маданий тадбирда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия институти, ўсимлик моддалари химияси, институти, ядро физика институти ва Самарқанд Давлат университетининг олимлари химия фанининг кейинги йилларида тез ривожланаётган ана шу соҳаси бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ҳақида гапириб бердилар.

Эртага

Октябрь районидаги Алишер Навоий номли маданият уйида Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига бағишланган лекциялар ўтказилади. Бу лекцияларни эшитиш учун «Ҳақиқат», «Иккинчи беш йиллик» ва Охунбобоев номли маҳаллаларнинг аҳолиси таклиф этилган.

телетайп лентасидан

● ҚОБУЛ. Афганистон Халқ-Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Революцион Кенгаш Раиси ва Бош министри Н. Тараки Баҳран шаҳри гарнизонининг ҳарбий хизматчилари ҳузурида нутқ сўзлаб қуйидагиларни айтди: Афганистон мустақиллиги ва ўз мустақиллигини сақлаб қолади. У ўз ички ишларига ҳеч қачон ҳеч қандай хорижий кучларнинг аралашувига йўл қўймайди. Афганистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг самимий ва дўстона характерда эканлигини қайд этиб, Тараки шуни таъкидладики, бу — эксплуататорлар ҳоли бўлган ва тарихимизнинг ўртасидаги дўстликдир.

У империалистик кучлар ва Афганистондаги эксплуататор унсурлар апрель революцияси ғалабасига тўсқинлик қилишга уринаётганлигини ва уларнинг шуни айтдики, мамлакатда ер ислоҳотининг амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ишидаги катта қадам бўлгандир эди.

● БОННИ. Франкфурт-Майн яқинидаги Американинг Рейн-Майн ҳарбий-ҳаво базасига, шунингдек Бельгия ва Люксембургдаги аэродромларга транспорт авиацияси самолётларида АҚШдаги гарнизонлардан солдат ва офицерлар кела бошлади. АҚШдан жами 14 мингдан кўпроқ ҳарбий хизматчи олиб келинади. «Стратегик ҳаво кўпригі» номли бу операция «Реформер— 79» машқлари доирасида ўтказилмоқда.

АҚШ ҳарбий қўшилмалари оғир қуроллар олгандан кейин Бавария ва Баден-Вюртенберг ўлкалари территориясидаги маневрларда қатнашади.

(ТАСС).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Испания ташқи ишлар министри Ореха Агирени 18 январь куни Кремлда қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Совет — Испания муносабатлари ва халқаро ҳаёт масалалари муҳокама қилинди ва у ишчанлик вазиятида ўтиб, ҳар икки томон ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш иштиёқида эканлигини акс эттирди.

▲ Германия Демократик Республикаси эълон қилинганлигининг бўлажак 30 йиллигига бағишлаб 17 январь куни Москвада жамоатчилик кечаси бўлиб ўтди.

▲ Москва области коммунистларининг конференцияси ҳақида хабар босилган.

• *Беш йиллик вахтасида*

УЮШҚОҚЛИК АСОСИДА

Булка-кондитер комбинати коллективи ўтган беш йилликнинг зардоб йилида яхши меҳнат қилди. Корхонада йил учун белгиланган план ва социалистик мажбуриятлар ортиғи билан адо этилди. Ўтган йилнинг биринчи кварталидаги социалистик мусобақа якуни бўйича коллектив СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ва Бутуниттифоқ озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Корхонанинг бу муваффақиятларида 5-ишлаб чиқариш коллективининг муносиб ҳиссаси бор. Бу ерда асосан шарқ ширинликлари: харидорлар орасида бозори чаққон бўлган халва, новвот, пашмак, казинак каби қандолатчилик маҳсулотлари тайёрланади. Коллективда меҳнат ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этилган. О. Аҳмадохунов, И. Маждидов, А. Умаров бошлиқ бригадалар иш вақтидан унумли фойдаланиш, машина ва ускуналарнинг самарали ишлашини таъминлаш орқали кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлмоқдалар. Кичик қутичаларда тайёрланаётган новвот, қандолат, пашмак, парварда каби ширинликларни айниқса республикамизнинг меҳмонлари суйиб харид қилишмоқда.

Олимжон Аҳмадохунов бошлиқ бригада новвот ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу коллектив ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини адо этиш учун бутун имкониятларни ишга солянти. Беш йиллик бошидан бери участкада новвот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича бир қатор ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, илгари қозонлардан қиёмлар кўл билан қуйилади. Ҳозир бу иш насослар ёрдамида амалга ошириляпти. Новвотлар тахта яшиклар ўрнига анча қулай бўлган кардон қутиларга жойланяпти. Бригада аъзолари Ғиёс Аҳмедов бошлиқ новвотчилар коллективи билан мусобақалашиб, меҳнат суръатини тобора ошириб боришяпти.

Ўтган йили 5-ишлаб чиқаришда савдо тармоқларига 4 минг тоннадан ортиқ шарқ ширинликлари чиқарилди. Бу маҳсулотнинг минг тоннага яқинини О. Аҳмадохунов ва Ғ. Аҳмедов бошлиқ новвотчилар бригадаси тайёрлади.

Коллективда янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ юксак меҳнат суръати давом этяпти. Қандолатчилар бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан унумли меҳнат қилиб, пойтахтимиз меҳнаткашлари дастурхонига кўплаб ширинликлар етказиб беришга интилишяпти. Коллектив ҳар куни савдо тармоқларига 12— 13 тонна маҳсулот жўнатяпти. Январь ойида жами 350 тоннага яқин ширинлик тайёрланади.

Т. ЮНУСОВА,

жамоатчи мухбиримиз.

• **Депутат минбари**

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИБ

Сифат ва самарадорлик беш йиллигида партиямиз XXV съезди томонидан белгилаб берилган улуғвор вазифаларни амалга оширишда тўқимачилик галантерея фабрикасининг коллективи фидокорлик билан меҳнат қилиб келмоқда. Фабрикамиз меҳнат аҳли ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилини зўр меҳнат кўтаринки руҳида бошлади. Уларнинг ўз олдиларига қўйган асосий мақсадлари ва шиорлари: «Бугун кечагидан кўра унумлироқ ишлайлик!», «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!».

Зарбдор йилда ана шу шиор остида иш олиб борган фабрика меҳнаткашлари СССР Конституциясининг бир йиллигини бешйилликнинг уч йиллик топшириғини муддатидан илгари — 4 октябрда бажариш билан нишонлади. 1978 йил саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш плани эса муддатидан қариб бир ой илгари адо этилди. Тежалган кунлар ҳисобига 300 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқаришнинг барча кўрсаткичларида яхши натижаларга эришилди. Жумладан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 108,1 процент, меҳнат унумдорлиги эса— 110,8 процентга етди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига эришилди. Қилинган ишлар якунидан кўриниб турибдики, фабрикамиз меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва уни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

План топшириқларини ҳамда қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари ошириб адо этишда ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бугунги кунда корхонада элликдан ортиқ ишлаб чиқариш илғорлари беш йиллик топшириқларини бажариб, 1981 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар. 5-цех прессчиси Т. Маннопов, 6-цех кесувчиси В. Мишутин, шу цехнинг бичиқчиси Т. Цибульская, 3-тикув участкасининг чеварси М. Хайитова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мен ишлаётган 5-цех коллективи йиллик топшириқни 8 процент ошириб бажарди. Ўзим эса, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш юзасидан олган оширилган социалистик мажбуриятимни шарафли адо этдим. Ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдаман.

Корхона маъмуриятининг сифат ва самарадорлик беш йиллиги учун белгиланган топшириқларни муваффақиятли адо этишга коллективнинг сафарбар этмоқда. Шу билан бирга техника тараққиётини жадаллаштиришга ҳамда ишлаб чиқариш участкаларини реконструкция қилишга катта куч-ғайрат сарфланмоқда. Фабрика коллективининг 1976 — 1980 йилларда социал-иқтисодий ривожланиш перспектив планига мувофиқ, беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида ишлаб чиқариш участкаларига элликдан ортиқ янги ускуналар ўрнатилди. Булар орасида электр-бичиш машиналари, механик ва қўл пресслари, тезкор тикув машиналари ва бошқа дастгоҳлар бор.

Беш йилликнинг тўртинчи йили бошланиши билан янги қувватларни ишга туширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, фабрикаларнинг 9-цехини реконструкция қилиш бошланди. Цех ишга тушгач, тикув буюмлари ишлаб чиқариш икки баравар кўпаяди.

Ана шу ютуқлар билан бирга шуни ҳам тан олиш керакки, фабрикамизда ҳали фойдаланилмаган резервлар бор. Жумладан, ускуналарнинг бекор туриб қолиш, баъзи ишчиларнинг сабабсиз ишга чиқмаслик ҳоллари, таъминот хизмати ходимларининг кўнгилдагидек иш олиб бормаётганликлари шулар жумласидандир. Резервлардан унумли фойдаланиш 1979 йил план топшириқларини муваффақиятли бажариш омилидир.

Ш. ТЕМИРОВ,

тўқимачилик галантерея фабрикасининг прессчиси, Киров район Советининг депутати.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ХАБАРЛАР

▲ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ҚУЛОЧ ЕИМОҚДА ▲ КОЛЛЕКТИВНИНГ ЯНГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ ▲ ПАРТИЯ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ИЎЛДАН ▲ САФИМИЗДА ҚОЛОҚЛАР БЎЛМАСИН ▲ ҚАНДОЛАТЧИЛАР АҲДИ ▲ ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР БЎЛСИН.



Шу кунларда Юнусобод массивида 126 квартирага мўлжалланган тўқиз қаватли бино қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Қурилишда 2-уйсозлик комбинатига қарашли 4-монтаж бошқармасининг Н. Бойбеков бошчилик қилаётган комплекс бригадаси аъзолари актив иштирок этишяпти.

СУРАТДА: илғор монтажчилардан М. Толмачов, А. Абдулменов ва Ҳ. Муҳамедовлар акс этган.

Х. Мирзакаримов фотоси.

• *Сифат ва самарадорлик йўлида*

Ҳар йилгидан кўп

«Октябрь 50 йиллиги» номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам кўпгина енгил саноат корхоналари каби 1979 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Унга кўра коллектив йиллик планни 20 декабрда бажариб, планга қўшимча 300 минг сўмлик тикув буюмлари реализация қилишга бел боғлади.

— Бунинг учун бизда имкониятлар бор,— дейди бирлашма бош директори Н. Фомина. — КПСС XXV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошираётган чеварларимиз беш йилликнинг учинчи йилини зарбдорона якунлаб, беш йиллик программасини муддатидан илгари бажариш учун пухта замин ҳозирладилар. Жумладан, ўтган йили 11814 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб, зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни 664 минг сўмликка ошириб адо этдик. Давлат Сифат белгиси билан савдо тармоқларига 943 минг сўмлик тикув буюмлари етказиб берилди.

Дарҳақиқат, бирлашма коллективи ўтган йили сифат ва самарадорликни ошириш борасида кўпгина ишларни амалга оширди. Кўпгина цехларда янги тикув машиналари ўрнатилди. Маҳсулот сифатини яхшилаш учун бир қатор тадбирлар белгиланиб, шу тадбирлар асосида иш олиб борилди.

Ютуқларга эришишда социалистик мусобақа ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Р. Дарошина, М. Караева, М. Еськова, А. Доктярова каби чеварлар доимо пешқадамлик қилишмоқда. Айни кунларда корхона машъаллари 1982— 1983 йиллар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришяпти.

Т. НАЖМИЙ.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

АҲОЛИ ИШТИРОКИ БИЛАН

Ленин район ободонлаштириш бошқармаси коллективи кузги кўчат ўтқазиш ойлигини уюшқоқлик билан ўтказиб зиммаларига олган 52 минг туп яшил тўсиқ, 24 минг туп манзарали дарахт кўчати ўтқазиш планини муваффакиятли бажаришга эди. Бу кўчатлар Ново-Полторацкий кўчасига, Салор каналн ёқасига, Қўйлиқ массивидаги янги турар жой бинолари атрофига ўтқазилган эди. Қиш кунларида ҳам район ободончиларн ана шу ўтқазилган кўчатларнинг униб ўсиши учун жон куйдириб, Чирчиқ бўйидаги ташландиқ жойни тартибга келтиришмоқда.

Район ободончиларига бу ишларни кўнгилдагидек бажаришда 10, 13, 4-маҳалла аҳолиси яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Бу азаматлар ёрдамида Весна кўчаси билан Сариқуль кўчаси муюлишида хиёбон ташкил этилди.

И. РУСТАМОВ.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

ЯХШИ БЎЛАРДИ

Биз, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат медицина институти студентларининг асосий ўқув базамиз 16-шаҳар клиник шифохонаси бўлиб, кундалик дарсимизнинг ярми ТошМИда бўлса қолган иккинчи ярмини шу касалхонада ўтказамиз. Ҳар куни яъни соат 12.20—13.40 ўртасида бизнинг бу базадан у базага боришимизга тўғри келади. Лекин шу вақт ичида асосан бизга хизмат кўрсатувчи 80-экспресс маршрутли автобус келавермайди. Агарда ана шу автобус белгиланган вақтда ТошМИ бекатида тўхтаса биз 16-касалхонага ўз вақтида етиб борардик. Лекин автобуслар бу вақтда кўпинча тушки овқатга чиқишади.

Бизга хизмат кўрсатаётган диспетчер пунктлари автобусларнинг тушки овқатга чиқишини соат 13.40 дан бошласалар биз манзилимизга ўз вақтида етиб олган бўлар эдик.

Қ. НИЗОМОВ, О. ЖУМАНИЕВОВ ва бошқалар.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ҲАМОН ДАРАК ЙЎҚ

Биз истиқомат қилаётган Акмал Икромов районининг 4-Боту проездига бундан икки йил муқаддам телефон келишини айтишганда жуда хурсанд бўлгандик. Ўша йили ҳақиқатан ҳам телефон тармоқларидаги ишчилар кўчамизни кавлаб, кабель ётқизиш учун чуқурчалар қазишди. Сўнгра қилиналётган иш ўндан тўхтаб қолди. Икки, уч ой ўтгач ишчилар яна пайдо бўлишди-да чуқурчалардаги ёмғир сувларини тортиб олишиб, трубалар ётқизиб кетишди. Энди аҳоли ишчиларнинг трансформатор олиб келишларини кутди. Лекин улардан дарак бўлмади. Бу орада яна ёғингарчилик бўлди. Чуқурликдаги сувлар уйлар тагига оқа бошлади. Шунда ҳамма кўчадаги чуқурчаларни тупроқ билан тўлгазиб, кўмишди. Мана ҳозир орадан икки йил ўтдики, ҳали ҳам телефон ўрнатувчилардан дарак йўқ.

Шаҳар телефон тармоқлари бошқармасидагилар қачонгача бошлаган ишларини охирига етказишмайди?!

С. ЖАЛОЛОВА.

▲ БИНОКОРЛИК КАСБИНИ УЛУҒЛАБ

ҚАЛБ САҲОВАТИ

«Болалар дунёси» ёнида қад кўтараётган янги Бош почтамт бошқармаси биносини 11-«Висотстрой» трестининг 17-қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёд этишмоқда. Айниқса, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Қорабоев етакчилик қилаётган комплекс бригада объектда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Бригадада 32 киши бўлиб, кўпчилиги ёшлардир. Улар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларида таълим олишяпти.

Ёшларга қурувчилик касбининг сирларини ўргатишда Михаил Харитонович Левада жонбозлик кўрсатяпти. Бу тиниб-тинчимас мураббий ўзининг талабчанлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам уни коллектив аъзолари жуда ҳурмат қилишади.

Михаил Харитонович Улуғ Ватан урушида қатнашиб, 3-Украина фронтида, кейинроқ эса 2-Украина фронтининг 2-армияси сафида мардонавор жанг қилган. Мамлакатимиздан фашист галаларини қуриб чиқаришда фаол иштирок этган. У 1948 йилдан бошлаб бунёдкорлик соҳасида ишлай бошлади. Ўз касби арматурачиликни жони-дилидан севди, ардоқлади, эъзозлади. Коллектив уни 1971 йилда пенсияга кузатди. Лекин Михаил Харитонович ўзи севган иш жойи ва коллективидан кетмади.

Ҳозир ҳам кунлик топшириқни 120—125 процент адо этмоқда. Айни пайтда ёшларга сидқидилдан устозлик қилмоқда. Унинг бегараз маслаҳатларига амал қилган Убайдулла Раҳимов, Камол Сайфуддинов, Ҳамид Саъдиев ва Тоҳир Лутфулинлар тез орада илғор ишчилар сафидан жой олишди. Улар бугунги кунда ўзлари эришаётган ютуқларда М. Леваданинг ҳам ҳиссаси бор деб тушунишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бу саҳий қалбли киши ҳамиша ёшларни меҳр билан тарбия қилади.

Н. ҚУЧҚОРОВ.

Штатсиз фотомухбир И. Шоиноғомовнинг ушбу фотолавҳасида 1. автокомбинатнинг автослесари Николай Яковлевич Аверкеев тасвирланган. Бу пешқадам ишчи ўн икки йилдан бери муттасил мана шу корхонада ишлаб келади. У коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга эга. Н. Я. Аверкеев кундалик топшириқларини доимо 120—130 процентга етказиб адо этяпти.

▲ РАССОМ ШАРҲИ

ЁНАДИ-Ю, ЎЧАДИ

Биз, Янгиобод массивининг Айриев кўчасида истиқомат қилаётган оилалар уйимизда кўпинча бўлмаётган электр чироғидан жуда қийналиб қолдик.

Кўчадаги симёғочларга ўрнатилган симларнинг бўш тортилганлиги, уларнинг бир-бирига тегиб кетиши натижасида трансформатордаги эҳтиёт қисмлар узилиб, кўчадаги чироқлар ҳам ўчиб қолмоқда. 25 декабрь куни ўчган чироғимиз икки кундан кейин ёнди. Биз 39-99-11 телефонига қўнғироқ қилдик. Алоқачилар эса ҳамиша ваъдаларини икки-уч сутка ўтгандан кейин бажаришади.

М. ҚАЮМОВ,

«Средазгипроцелинстрой» институтининг катта техниги.



ЙЎЛОВЧИЛАР ҚИЙНАЛИШМОҚДА

Октябрь районининг Уйғур кўчасидаги бекатларда йўловчилар учун ҳеч қандай шароит яратилмаган. Мисол учун «2-Шарқ» маҳалласи ёнидаги Шофайзи бекатини олайлик. Ана шу бекатдан ўн учта маршрутдаги транспорт қатнашига қарамасдан йўловчилар учун хатто бирор соябон ҳам ўрнатилмаган. Октябрь район ободонлаштириш бошқармасидагилар йўловчилар билан гавжум бўладиган ана шундай бекатларга соябонни қачон ўрнатишади?!

У. ШАМСИДДИНОВ,

«Шарқ» маҳалла комитети раиси ва бошқалар; жами 10 имзо.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ЭРГАШЕВ: Ҳурматли редакция! Айтингчи, балоғат ёшига етмаган ўсмирлар завод ва фабрикаларда неча соат ишлаши керак? Улар ишдан ташқари пайтларда ва тунги сменаларда ишлашга мажбур этиладиларми?

Жавоб: Ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган йигит ва қизлар бир ҳафтада 36 соат меҳнат қилиши керак. Ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлганларнинг эса ҳафтада 24 соат ишлаши белгиланган. Ўсмирларни тунги смена, дам олиш куни ва ишдан ташқари пайтларда ишлашга мажбур этиш қонун йўли билан тақиқланган.

∴∴∴

В. УМАРОВА: Шаҳримизда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда медицина ҳамшираларини тайёрлайдиган курслар борми? Шу ҳақда маълумот берасизми.

Жавоб: Шаҳримизда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда медицина ҳамшираларини тайёрлайдиган курслар йўқ. Лекин бундай касб эгаларини тайёрлайдиган билим юртлари бор. Шундай билим масканларидан бири Охунбобоев номидаги республика медицина билим юрти ва Боровский номидаги Тошкент медицина билим юртидир. Бу ерда юксак малакали мутахассислар тайёрланади. Бу билим масканларида акушерлар, болаларнинг медицина ҳамширалари ва кенг профилдаги медицина ҳамширалари тайёрланади.

∴∴∴

О. ШАМСИЕВА: Мен экскурсоводликка жуда қизиқаман. Эшитишимга қараганда шаҳримизда бундай касбни ўргатадиган курслар бор экан. Ана шу ҳақда билишни истар эдим.

Жавоб: Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси қошида экскурсоводларни тайёрлайдиган курслар бор. Бу ерда шуни айтиш керакки, бундай курслар олти ойлик бўлиб, уларга фақат олий маълумотли кишиларгина қабул қилинадилар. Курсга қабул шартлари билан батафсил танишмоқчи бўлсангиз 39-13-11 рақамли телефонга қўнғироқ қилинг.

∴∴∴

М. ҚОРАБОЕВ: Тошкентда ҳисоблаш машиналарини ремонт қилиш бўйича усталар етиштирадиган билим юрти бор экан. Ана шу олий юрти фаолияти тўғрисида, унга қабул шартлари ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳримиздаги 14-ҳунар-техника билим юртида ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш бўйича мастерлар тайёрланади. Бундан ташқари Ўзбекистон ССР статистика бошқармаси кадрларни тайёрлаш бўйича бошқармасининг Тошкент область хўжалик ҳисобидаги ўқув комбинатида ҳам ҳисоблаш жиҳозлари ремонти бўйича кенг профилдаги механиклар тайёрланади. Бу масалада 66-15-13, 66-32-39 рақамли телефонларга қўнғироқ қилишингиз мумкин. Ҳисоблаш техникаси ремонти ва техника хизмати кўрсатиш бўйича тажриба заводида ҳам ремонтчи кадрларни қайта тайёрлашдан ўтказиш мумкин. Бу завод Чилонзорда жойлашган. Тошкентдаги электромеханика техникумида ҳам кенг профилдаги шу соҳа мутахассислари тайёрланади.

∴∴∴

Ш. ХОЛМАТОВА: Уйимиздаги серпантинларга ойналар керак эди. Шундай ойналарни қаердан олиш мумкин?

Жавоб: Рўзғор жиҳозлари ва мебель комбинатининг ойналар тайёрлайдиган цехига мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз. Бу цех 2-Кафанов проезди, 10-уйда жойлашган. У ерга 5, 9, 10-трамвайларда борилиб, Госпиталь бозори бекатида тушилади.

Ҳамкулласиз, куласиз

УЧ ЙИЛ ЧЎЗИЛГАН ИШ

Раҳим ака Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, биринчи группа инвалиди. Биласиз, бунақа одамга медицина ёрдами тез-тез керак бўлиб туради. Шунинг учун у кунлардан бирида уйидагиларга маслаҳат солди:

— Мана, ёшим ҳам 60 дан ошди. Кўзим яхши кўрмайди, оёқ яраланган. Уруш инвалидларига кўп қулайликлар яратилянти. Уйга бир телефон туширсакмикан?

Бу маслаҳат онла аъзоларига манзур бўлди. Шундай қилиб 1975 йилда телефон тушириб беришни илтимос қилиб ариза ёзилди. Аризани шаҳар АТСига топширишди.

— Бўпти, имконият бўлганда ўзимиз хабар қиламиз,— деган мужмал жавобни айтишди.

Хабарни бир ой, икки ой, бориниг ярим йил кутдилар. Ниҳоят 1976 йили «суюнчи олдиган» хабар келди:

— Ҳозир сиз яшаётган жойда ортиқча точка йўқ. 41-АТС очилганида сизга телефон ўрнатамиз.

Ниҳоят 41-АТС очилди ҳам. Аммо Улуғ Ватан уруши қатнашчисига телефон тушириб берадиган мард топилмади. 1977 йили инвалид Раҳим Азизов гоҳ ўзи, гоҳ ўғлини шаҳар АТСига қатнатди. Кунлардан бирида у 17-хонадаги аёлга мурожаат қилди.

— Бизнинг телефон қачон битади?

— Қачон иложи бўлса ўшанда битади.

Бунақа думи ҳуржунда гапнинг нима билан якунланиши маълум. Раҳим ака шаҳар телефон тармоқлари - бошқармасининг бош инженери Ўткир Ҳолматовга мурожаат қилди:

— Менга телефон тушириб берасизларми, йўқми?

— Вақти билан ҳаммаси бўлади.

Вақтини кутиб 1978 йилни ҳам ўтказишди. Ўтган йил декабрь ойининг охирида Раҳим ака яна ўша 17-хонадаги аёлга учрашди. Бу аёл тағин Ўткир Ҳолматовни рўпара қилди:

— Энди бундай қиласиз, — деди У. Ҳолматов маслаҳат бериб, —41-АТСнинг цех бошлиғи Шуҳрат Одилов билан бир гаплашиб кўринг. Сизга телефон тушириб беришлари керак.

— Бизда ҳеч қанақа бўш номер йўқ, — деди Шуҳрат Одилов хотиржамлик билан.— Ў. Ҳолматовга борсангиз, ўша номер топиб беради.

Яна У. Ҳолматовга мурожаат қилишга тўғри келди.

— Ўша Ш. Одиловнинг ўзини ёнимга олиб келинг, — деди У. Ҳолматов.

— Бормайман, — деди Ш. Одилов. — Мен ишлик одамман.

Шундай қилиб, Октябрь районидаги «Корабль Восток» кўчаси, 34-уйда истиқомат қилувчи биринчи группа инвалиди, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Раҳим Азизов гоҳ шаҳар телефон тармоқларига, гоҳ 41-АТСга мурожаат қилавериб тинкаси қуриб кетди. Ўзи кўп юролмагани учун икки орада ўғлининг ҳам бошини қотириб юборди.

Партия ва ҳукуматимиз Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига ҳамма шароитни яратиш, биринчи навбатда телефон билан таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилаётганига қарамай телефончиларнинг бундай сансалорлик қилишлари қандай бўлди экан? Ахир битта телефон тушириш учун одамни уч ярим йил ҳам овора қилишадими? Инсоф ҳам керакда!

СУПРАСИ ҚУРУҚ

Афандидан бир куни қўшниси илтимос қилибди:

— Арқонингизни бериб турсангиз.

— Нимагайди? — дебди Афанди гарданини қашлаб.

— Сигир боғламоқчи эдим.

— Ун солиб қўйибман.

— Арқонга ҳам ун соладими?

— Бергим келмаганидан кейин нима дей?

Ҳозир шаҳарда сигир боқадиган одам йўқ. Арқон ҳам топилмас матоҳ эмас. Аммо баъзи ташкилотлардаги бегам кишилар арзимаган нарсадан муаммо тугдиришаётгани ҳам сир эмас.

Ғофуровлар оиласининг кичкинтой фарзанди касал бўлиб қолди. Унга тез-тез кислород бериб туришга тўғри келар эди. Шунинг учун ота-она югургилаб қолди. Улар энг аввал «Марказ —15» кварталида жойлашган дорихонага боришди.

— Бизда умуман кислород бўлмайди.

— Қаерда бўлади?

— Ҳамза театрининг ёнбошидаги аптекага боринглар.

— Бизда ҳам бунақа нарса йўқ. ГУМнинг ёнбошида Марказий дорихона бор. Ўшанда албатта бўлади.

Ғофуровлар умид билан Марказий аптекага боришди. Чиндан ҳам аптека янги қурилган, савлатидан от ҳуркади. Аммо ичида керакли дорининг тайини йўқ.

— Кислород борми?— деб сўрашди бемор боланинг отаонаси.

— Бу нима дегани-нигиз?

— Баллон бор.

— Баллон бор-у, кислород йўқ.

Ана холос! Бемор болага баллонни майдалаб едиришмайдику!

— Қаердан топсак бўлади?

— Унисини билмаймиз.

Ҳашаматли Марказий дорихонада ишлаётган ходимлар аввало керакли дорини топиб беришлари, бўлмаса қаерда бўлишини айтишлари керак. Улар шунга мажбур. Чунки бу ерда хизматчилар учун ҳамма шароит яратилган. Холбуки, дорихона хизматчилари ўз вазифасига совуққон қарагани етмагандек қўпол муомалада ҳам бир-биридан қолишмайди. Дорихонада кўп эмас, 10 минут турган одам буни дарров англайди. Марказий дорихона мудири У. Тошбеков ҳам ходимларининг бундай қилигига бармоқ орасидан қараса керак. Ҳар қалай шаҳримиздаги кўпчилик дорихоналар Афандига ўхшаб баҳона топмай, одамларнинг хизматини қилса ёмон бўлмасди. Шунда «Марказ—15» кварталн 8-А уй, 58-квартирада истиқомат қилувчи Ғофуровларга ўхшаш газетхонларнинг шикояти ҳам камайган бўларди.

ХУШЕРБЕК.

• ЛУҚМА

«ПУЛДАН ЧЎЗИНГ»

8 январь эрталаб соат 7 яримда Андижон — Тошкент поездидан тушган йўловчилар тезроқ манзилларига етиб олишга шошилардилар.

Айниқса, такси тўхташ жойида йўловчилар гавжум. Шу пайт навбатдаги таксига ўрта яшар аёл чиқди. Унинг қўлида чақалоғи ҳам бор эди.

Ҳайдовчи яна йўловчи олиш ниятида таксидан тушиб:

— Қорақамишга борми?— деб сўради. Биз —нотаниш 3 киши орқа ўриндиққа жойлашдик. Таксичининг қўли рулда, кўзи йўлда бўлса ҳам, афсуски, хаёли пулда экан. «Ғунча» кинотеатрига етиб келгач, ҳамроҳимиздан бири тушиб, 1 сўм ўзатди.

— Бу кам-ку, оғайни,— дўрилладн ҳайдовчи.— Яна 1 сўм чўзинг.

Студентлар шаҳарчасида яна бир йўловчи-ҳамроҳимиз тушиб, 5 сўм узатди.

Ҳайдовчи индамасдан икки сўм олиб қолди. Мен 2-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонида тушиб, 1 сўм узатдим.

— Бу жуда кам-ку, Яна 2 сўм чўзинг.

— Кечирасиз, счётчик ҳисобида бор-йўғи 3 сўм 32 тийин бўлса, бунинг устига ҳозиргина иккн кишидан 3 сўм олган бўлсангиз, мендан ҳам 3 сўм олмоқчимисиз?

Ҳайдовчининг бирдан кўзлари олайиб кетди.

— Сенинг нима ишинг бор! Қанча олсам ўзимнинг ишим! Пулни чўз!

—Сизда инсоф, андиша борми ўзи?! Айтинг, қанча тўлашим керак? Кейин исм, фамилиянгизни ҳам айтинг.

— Бор жўна! Менинг исмим, фамилиям ҳам йўқ!

Бу машина 7-таксомотор паркига қарашли 55— 98 ТНП номерли такси эканини ёзиб олдим.

Дарвоқе, бундай қўпол, юлғич ҳайдовчининг асл башарасини очиб, танобини тортиб қўядиган «Главташпассавтотранс» бошқармаси бор-ку! Энди жавобни улардан кутамиз.

Қ. ТУРАҚУЛОВ,

йўловчи.

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

19 ЯНВАРЬ, 1979 й.

Тошкент тарихидан 100 лавҳа

ЗАВОД ҲОВЛИСИДАГИ ЁДГОРЛИК

10-лавҳа

Дов-дарахтларга ўралган Железнодорожная кўчасида бир вақтлар яшаган эдим. Темирйўлчилар маданият ва истироҳат боғининг жим-жимали панжараси ана шу ердан ўтган бўлиб, кўчанинг охиридаги уйлар орқасидан эса пўлат магистралнинг излари ўтган. Паровоз депоси ва Октябрь революцияси номли заводнинг кўпгина ишчилари ана шу кўчада истиқомат қилишган. Шунинг учун ҳам кўчанинг номи темирйўлчилар сўзидан олинган эди.

Ана шу кўчада Саша деган ажойиб ўртоғим бўларди. Биз у билан доим ўйнаб юрардик. Унинг бобоси ва отаси темирйўлда ишлашар эди. Уларнинг ҳовлисида ўйнаб юрганимизда жуда кўп қизиқ нарсаларни кўрганмай. Шуларнинг хонадонида машинистнинг фурашкаси, сигнал байроқчасидан тортиб, то темир йўл ишчисининг фонаригача бўлган буюмларни кўриб томоша қилиш мумкин эди... Ишдан қувониб келган отасининг ҳикоясини тинглаш ғоятда мароқли бўларди, у доимо биз учун қимматли вақтини аямасдан, баъзан паровоз ҳақида, баъзан эса узоқ рейсларга борганлиги тўғрисида, жуда бўлмаса сигнал фонарининг тузилиши ҳақида гапириб берарди... Кунлардан бир кун бу темирйўлчи бизларга завод ҳовлисида ўртоқлари билан бирга ёдгорликни қандай қилиб қуришганлиги тўғрисида ҳикоя қилиб берган эди. Бу Тошкентда Ленинга ўрнатилган дастлабки ёдгорлик эди. Ўша пайтда биз саккиз ёшли ўғил болалар кўп нарсага ақлимиз етмаса ҳам, лекин Тошкент темирйўлчилари ўз қўллари билан яратган энг бебаҳо ёдгорлик — Ильич ҳайкали борлигини жуда ҳам яхши билар эдик.

Тез орада мен шаҳарнинг бошқа чеккасига кўчиб кетдим. Шундан кейин ана шу соя-салқин кўчага камроқ келадиган бўлиб қолдим. Гоҳи пайтлари аэропортга йўлим тушиб қолганда елдек учиб бораётган автобуснинг деразаларидан ана шу кўчанинг жўшқин ҳаётига разм солиб ўтар эдим. Орадан анча йиллар ўтиб кетди, лекин дўстим Сашани ҳам, унинг бобосини ҳам бирор марта учратолмадим. Кунлардан бир кун Октябрь революцияси номли заводда ташкил этилган ёшларни ишчи синфига узатишга бағишланган тантанали маросимда қатнашишга тўғри келди. Бу ерда мураббийлар, ишлаб чиқариш илғорлари сўзга чиқишди... Кечани олиб бораётган киши навбатдаги сўзни завод ветерани Алексей Васильевич Комиссаровга берди.

Минбарга ёши улғайган, ихчамгина, ёшлар каби серҳаракатчан эркак киши кўтарилди. Ана шу киши дўстим Сашанинг бобоси эканлигини дарров таниб қолдим. Кўришмаганимизга ҳам йигирма йил бўлибди.

Бу киши завод ҳовлисида йиғилган ёшларга нималарнидир фахрланиб гапира бошлади. Мен баъзан унга қарайман, баъзан эса завод ҳовлисида анвойи гулларга ўралган монументга кўз ташлайман. Ана шу ҳайкалнинг остига паровознинг ғилдираклари қўйилган бўлиб, уларнинг устига поршень ўрнатилган, шундан кейин шатунлар баландликка бўй чўзган. Ана шу восталар гўёки ўзининг кафтида Ленининг салобатини кўтариб турибди. Владимир Ильич гўё минбардан туриб оташин нутқ сўзлаётгандек, дадил, ва ёқимли бўлиб кўзга ташланади. Мен болалигимда эшитган ёдгорлик худди шунинг ўзи. Заводда бир неча марта бўлганман ва ана шу монументни завқ билан кўрганман.

Митинг тугагандан кейин Алексей Васильевичнинг олдига бориб у билан сўрашдим. Иккинчи танишувимиз бошланди. Бу кишига Саша билан биргаликда паровоз ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўраганлигимизни эслатдим: «Алексей Васильевич, яна ёдгорлик ҳақида гапириб берсангиз...».

Ҳар бир тошкентлик Октябрь революцияси номи билан аталувчи афсонавий заводни жуда яхши билади. Бу корхона ҳозирда ҳам пойтахтдаги энг йирик заводлардан бири ҳисобланади. Шу асрнинг бошларида бош темир йўл устахонаси — тепловоз-вагон ремонти заводи ўша пайтда шундай деб аталар эди — республика индустриясининг тўнғич корхонаси, байроқдори, ишчилар синфининг чинакам ўчоғи бўлган. Худди ана шу ерда, худди ана шу ишчилар қалъасида, Туркистон революциясининг байроғи мардонавор кўтарилганлигини яхши биламиз. Ишчи отрядлар Гражданлар урушининг фронтларига ана шу ердан жўнаб кетишган. 1924 йилнинг 21 январида бу ерга қайғули хабар олинди: Ленин вафот этди.

— «Биз ана шу хабарни гоятда чуқур қайғу билан қабул қилдик... Лекин ишчилар синфи умидсизликка берилмади. Биз ўз ишимизни ўн марталаб кучайтирамиз, пайвандлигимизни, жипслигимизни янада мустаҳкамлаймиз...» — Бутун мамлакат учун мотамли бўлган ўша кунларда темир йўл устахонасининг ишчилари ана шундай деб қасамёд қилдилар. Ильичнинг ўлими ишчиларнинг партия сафларига оммавий ўтишига туртки бўлди. Январь ойининг охирига бориб, устахоналарнинг ишчиларидан 200 та ариза олинди.

Ана шу пайтда устахонанинг меҳнатчилари ўзларининг севимли доҳийси ва мураббийси Владимир Ильичнинг ҳурматини бажо келтириш мақсадида корхона ҳовлисида Ильичга монумент ўрнатишга аҳд қилдилар. Ёдгорликнинг энг яхши лойиҳаси учун конкурс эълон қилинди. Бош устахона темирчилик цехининг бошлиғи Резуненко ҳам ана шу конкурсда қатнашиди.

Цех бошлиғи оддий металларда Ильичнинг бронзадан ишланган барҳаёт сиймосини жонлантириш, унинг ғолибкор ғояларни қандай тараннум этиш ҳақида кўп ўйланди. У завод территорияси бўйлаб муносиб жойни ахтарар экан, Туркистонда Советлар ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган революцион курашлар бўлиб ўтган жойларни кўпроқ хотирлай бошлади. Лекин унинг ёнидан эндигина бўёқдан чиқарилган қарчиғай паровозлар гумбирлаб, ҳайқириб ўтар ва улар тўқ қизил рангли ғилдиракларини пилдиратиб узоқ манзилларга йўл олар эди...

Бир дақиқанинг ўзида чиройли фикр хаёлга келди. Худди ана шу паровозларнинг ғилдираклари ёдгорлик учун постамент бўла олиши мумкин. Чунки бу ғилдираклар тарих ғилдираги бўлиб, Ленин уларни бахтли келажак учун елдирган. Ана шу ғилдиракларга ўрнатиладиган поршенлар пролетариатнинг ҳаракатлантирувчи қудрати рамзини англатади. Ана шуларнинг устига тарих локомотивини олға сари елдириб бораётган рамзий машинист — Ленининг ҳайкали ўрнатилади.

Конкурсга тақдим этилган йигирмата иш орасида ана шу лойиҳа энг муносиб деб топилди.

Бу ёдгорликнинг қурилишида юзлаб ишчилар, шунингдек КИМ номли темир йўл билим юртининг ўқувчилари ҳам жонбозлик кўрсатдилар. Бу билим юрти 1921 йилда устахона базасида ташкил этилган эди.

Алексей Комиссаров ўша пайтларда жуда ҳам ёш йигит бўлиб эндигина билим юрти комсомол комитетининг секретари қилиб сайланган эди. У ҳар куни кечқурун ўртоқлари билан бирга қурилиш майдонига келиб металломларнинг парчаларини йиғиштириб олар, ёдгорлик майдончасини шиббалашда қатнашар, бу ерга паровознинг жуда оғир ғилдираклари ташиб келишда ёрдамлашар эди. Болалар жуда катта иштиқ билан меҳнат қилишди. Улар қандай бўлмасин ана шу фахрли ишни тезроқ тугаллашга жазм этган эдилар. Чунки бутун мамлакат Улуғ Октябрнинг 7 йиллигига қизғин тайёргарлик кўраётган пайтлар эди.

1924 йилнинг 7 ноябрь куни Владимир Ильич Ленининг ёрқин хотирасига бағишланган биринчи ҳайкални тантанали очилиш маросими бўлди. Бу ҳайкал бош темирйўл устахонасининг ҳовлисида — Тошкентда революция бошланганлигидан дарак берувчи тўп ўқлари биринчи марта отилган жойда қад кўтарди.

Ёдгорликнинг дастлабки қиёфаси ҳозиргига нисбатан бирмунча бошқачароқ кўринишда эди. Монументнинг тўққисига Ильичнинг бюсти ўрнатилган эди. 1927 йилда ана шу ҳайкал ўрнини Ленининг тўла салобатини тасвирловчи монумент эгаллади. Ёдгорлик атрофида гулзорлар пайдо бўлди, бу жой завод территориясининг марказига айланиб, унинг ёнгинасида ҳурмат тахтаси ўрнатилди. Заводчиларнинг барча тантанали маросимлари— ёшларни армияга кузатиш, ветеранларни қутлаш, меҳнат мукофотларини тақдим этиш худди ана шу жойда ўтказиладиган бўлди. Меҳнатнинг рўбарўсида заводнинг тарих музейи очилган бўлиб, унда корхона жонкуярлари тўплаган қўплаб фотосуратлар, қимматли ҳужжатлар, ноёб маъбуда сифатида мужассамлашган.

— Ленин хотирасига бағишланган дастлабки ёдгорлик ана шундай ўрнатилган, — деб ҳикоясини ниҳоясига етказди Комиссаров. Лекин Тошкент темирйўлчиларининг, Ўзбекистон меҳнаткашларининг пролетариатнинг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленинга бўлган меҳр-муҳаббати ана шу билан ниҳоясига етгани йўқ. Лекин бу муҳаббат янада кенг қулоч ёзди. Айниқса, у шоирларнинг шеърларида ўз ифодасини топди. Ўзбекистон ССР халқ шоири Ғафур Ғулом ҳам доҳий Ленинга бўлган муҳаббатини қуйидаги мисралар билан ифода этган эди:

Леннича биродарлик мардона
қўл тутказди,
Катта оғамиз руснинг ҳиммати
ташаккур.
Ҳар оила ўзига бир кошона
битказди,
Шарқнинг машъали бўлган
Ватанимни келиб кўр.
Ҳаётнинг ҳар онида Ленинни
ёд этамиз,
Ҳар хонадон ичида Ленининг
чироғидир.
Ленин берган Ватанни яна
обод этамиз,
Кўкимизда мангулик
Ленининг байроғидир.

Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводининг ҳовлисига файз бахш этказиб турган ўша дастлабки ёдгорлик бугунги кунда ўзгача виқор билан кўзга ташланмоқда. Завод ишчиларнинг кенжа авлоди корхона остонасидан цехлар бўйлаб, ўз дастгоҳлари бўйлаб, янги меҳнат кунини бажо келтириш учун йўл олар экан, ана шу ёдгорликка нигоҳ ташлаб ўтадилар. Завод ҳовлисидаги бу ёдгорлик ишчиларга йўлча юлдуз— ёрқин машъалдек ойдин йўлни кўрсатиб турибди.

А. ТЮРИКОВ.

БУНДАН 60 йил муқаддам, 1919 йилнинг 18 январидан 19 январига ўтар кечаси Тошкентда Советларга қарши исён кўтарилди. Ушанда 14 Туркистон комиссари: Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг раиси В. Д. Вотинцев, Фавқулодда комиссия раиси И. П. Фоменко ва бошқалар вахшийларча ўлдирилди. 19 январь куни эрталаб қалъа, «Озодлик уйи»ва бош темир йўл устахонасидан ташқари деярли бутун шаҳар исёнчилар қўлида эди.

Коммунистлар А. А. Казаков, Н. Ҳўжаев, Д. И. Манжара Тошкент ишчилар синфини оқ гвардиячиларга қарши курашга кўтардилар. Бош темир йўл устахонаси ва ҳарбий қалъа контрреволюцияга қарши жангларнинг таянч пунктлари бўлди.

Тошкентдаги бу воқеалар ҳақида жуда кўп мақола ва китоблар ёзилган. Черняев (ҳозирги Чимкент) яқинидаги жанг ҳақида нисбатан кам нарса маълумдир. Айнан шу жангда исёнчилар узил-кесил тор-мор қилинган эди.

Тошкент областининг давлат архивида «1919 йилнинг 18 январидан 29 январигача Черняевдаги воқеалар хроникаси» қизиқарли ҳужжати топилди. 19 январда Тошкент воқеалари тўғрисида хабар олингандан сўнг шаҳарда ҳарбий ҳолат эълон қилинди.

20 январь куни Тошкентга у ерда нималар бўлаётганини билиб келиш учун уч киши юборилган эди. Шу куни кечқурун Черняев коммунистларининг икки йиғилиши бўлди. Уларда партия дружинаси аъзоларини сафарбар этиш ва улар Тошкентга юборилса озиқ-овқат билан таъминлашга қарор қилинди. 22 январь куни коммунистларга қуроллар берилди. Ўша куниёқ Черняевга Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг икки аъзоси етиб келди. Улар коммунистлар йиғилишида Тошкентдаги воқеалар тўғрисида гапириб беришди. Оқ гвардиячилар шаҳарга яқинлашса, жанг қилиш тўғрисида якдиллик билан қарор қилинди. Черняев гарнизонининг штабига Черняев— Тошкент йўлига юборилган разведкачилардан узлуксиз хабарлар келиб турди.

24 январь куни Оренбург фронтининг вакиллари шаҳарга келишди. Тошкентдан 25 январь кунига ўтар кечаси Черняевликларга Перов отряди ёрдамга етиб келди. 25 январь куни кечқурун Осипов томонидан ушлаб олинган уч разведкачидан бири шаҳарни кезиб юрарди. Бу разведкачи Осипов ультиматумини шаҳар аҳолисига айтиш учун қўйиб юборилган эди. Рарведкачига оғир тўплар тўғрисида гапирилган эди. (Аслида оқ гвардиячиларда бундай қурол йўқ эди). Бу қуроллардан Черняев ўққа тутилса чангги осмонга кўтарилиши айтилган эди.

Бироқ Осиповнинг шаҳарда ваҳима тарқатиш нияти амалга ошмади. 26 январь куни разведкачилардан олинган маълумотда Черняевга яқинлашаётган оқ гвардиячиларнинг сони 400 кишидан ошган эди. Жангга ҳамма нарса тайёр бўлди. Эрталаб соат 4 дан 20 минут ўтганда оқ гвардиячилар билан отишув бошланди. Партия дружинаси жангга киришди. Оқ гвардиячилар бардош бера олмади ва тонгга яқин чекина бошлашди. Қизил пиёда аскарлар душманни таъқиб этаборди. 14 киши асир олинди. Улар ичида уч офицер бор эди. Юк автомобили қўлга тушириди. Соат 11 ларда 30 асир олинди. Уларнинг кўпчилиги офицер эди. Икки пулемёт, бир тўп, енгил автомобиль, 200 га яқин милтиқ қўлга киритилди.

27 январь куни икки қизил разведкачи қайтиб келди. Улар оқларга асир тушган эдилар. Улар исёнчилар даҳшатли ваҳимага тушгани, сиққонниг ни минг танга бўлиб кетганини ҳикоя қилиб беришди. Исёнчилар қурол ва кийим-бошларини ташлаб тумтарақай қочишаётган эди. Осипов билан бирга хоинларнинг асосий ядроси Фарғона томонга қочди. 1919 йилнинг 29 январь куни шаҳарда тинчлик ўрнатилди. Осиповчиларнинг ирвогорона ҳаракати ана шундай туссиз тугади.

«Хроника»га яна бир қизиқарли ҳужжат илова қилинган. Бу жанг майдонидан топиб олинган контрреволюцион исён қатнашчиси кундалигининг иккинчи нусхаси эди. Албатта, бу ҳужжатга унинг муаллифи дунёқарашини ҳисобга олиб, эҳтиёткорлик билан ёндошиш керак. Аммо, унда баъзи бир қизиқарли жиҳатлар бор. Кундалик автори дастлаб бош темир йўл устахонасига тушади. У ишчиларни исёнга қўшилишга ташвиқ қилиш учун келган эди. Ленин уни ҳеч ким қўлламади. Устахонанинг сўл эсерчи раҳбарияти «агитатор» чиқариб юборди.

Кейинчалик осиповчилар уни асир тушган чехларни оқ гвардиячиларга қўшилишга кўндириш учун сапёрлар лагерига юборди. Бироқ улар ҳам рад этишди.

Худди шунингдек, Николск посёлкасининг (ҳозирги Луначарск посёлкаси) деҳқонлари ни йўлдан оздиришга уриниш ҳам муваффақиятсизликка учради. «Агитатор» 2-полкнинг назармасидаги оқлар штабига қайтиб келди ва қалъага ҳужумга чиқарга қўшилишга кўндириш учун сапёрлар лагерига юборди. Бироқ улар ҳам рад этишди.

Худди шунингдек, Николск посёлкасининг (ҳозирги Луначарск посёлкаси) деҳқонлари ни йўлдан оздиришга уриниш ҳам муваффақиятсизликка учради. «Агитатор» 2-полкнинг назармасидаги оқлар штабига қайтиб келди ва қалъага ҳужумга жуда оғир бўлди. Черняев яқинида уч қизил разведкачини тутиб олишди. Бу юқорида эслатилган уч разведкачи эди. Осиповчилар уларни сўроқ қилиб, шаҳарни «стратегия маъносида» қўлга олиш мумкин экан, деган хулосага келишди. Бу ёғи нима билан тугаганни маълум.

Контрреволюцион исённинг тор-мор қилиниши интервентлар билан маҳаллий оқ гвардиячиларнинг Туркистонда Совет ҳокимиятини йўқ қилиш планини барбод этди. Исённинг бостирилганлиги тўғрисида В. И. Ленинга хабар қилинди. Исённинг тугатилиши мамлакат ва Туркистон учун шонли воқеага тўғри келди: 1919 йил 22 январь куни В. И. Ленининг кўрсатмасини амалга ошира бориб, Шарқ фронтининг қўшинлари Туркистон республикаси қуролли кучларининг актив ниттирокида яна Оренбургни ишғол қилдилар. Душман ҳалқаси ва узиб ташланди, Туркистон Марказий Россия билан қайта қўшилди.

И. БЕЗРОДНИЙ,
Тошкент область давлат архивининг катта архивчиси.

• Тарих босқичлари

ЧИМКЕНТ ЯҚИНИДАГИ ЖАНГ

Революция бешиги — Ленинград шаҳри йилдан-йилга чирсй очмоқда. Янги турар жой кварталлари, маданий-маиший объектлар тез суръатлар билан қад кўтармоқда. Бунда бунёдкорларнинг, меъморларнинг ва лойиҳачиларнинг ҳиссаси катта.

СУРАТДА: «Ленжилпроект» институтида навбатдаги реконструкция лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Чапдан-ўнгга — лойиҳа бош инженери Юрий Тихомиров, группа раҳбари Екатерина Савицкая, институт бош архитектори Ксения Шарлигина, архитекторлар Ольга Грибанова, Александр Шендерович ва Галина Лахман.

ТАСС фотохроникаси.

• *Маданият хроникаси*

ПРОФЕССИОНАЛ САҲНАДА— СТУДЕНТЛАР

А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат Академик катта театри саҳнасида С. Маршакнинг «Петрушка — хорижий» деган асари асосида Ф. Янев-Яновский операсининг премьераси кўрсатилди. Бу гал операдаги барча ролларни М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясини н г студентлари ижро этдилар. Бу олий ўқув юртининг опера студияси профессионал саҳнада ўзининг кучини шундай синаб кўрди. Студия раҳбари А. Слоним бу операни саҳнага қўйди. Спектаклда консерватория ўқитувчиси В. Руденко дирижёрлик қилган студентлар симфоник оркестри ҳам иштирок этди.

ҚУШИҚ—БОЛАЛАР ЙЎЛДОШИ

Тошкентдаги 3-мактабда Халқаро болалар кунига бағишланган катта санъат байрами бўлиб ўтди. Байрамда ўқувчиларгина эмас, шу билан бирга пойтахтнинг Сергели районидаги мактабгача ва мактабдан ташқари болалар муассасалари бадиий ҳаваскорлик коллективлари ҳам иштирок этдилар.

Болалар коллективлари ижодининг кўриклари Тошкентнинг барча районларида ўтказилади.

ШАРТНОМА ТУЗИЛДИ

Самарқанд опера ва балет театрининг Бухоро областига қилган гастроллари ниҳоясига етди. Самарқандлик артистлар Навоий ва Учкудукда ўзларининг энг яхши спектакллари — «Кармен» ва «Аида» операларини, «Жизель» балетини кўрсатдилар. Театрнинг камера оркестри томошабинларни Шуберт, Гайдн Моцарт асарлари билан таништирди. Учкудуқ маданият уйи билан ижодий ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузилганлиги гастроль якунларидан бири бўлди.

ҚИРҒИЗ МАДАНИЯТИ ДУРДОНАСИ

Қирғиз миллий эпоси «Манас» биринчи марта тўла ҳажмда нашр этилмоқда. Халқ оғзаки ижодиётининг бу дурдонасини «Қирғизистон» нашриёти уч томда босиб чиқармоқда. Уни Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институти нашрга тайёрлаган.

Эпоснинг қирқдан кўпроқ варианти маълум. Шулардан ярим миллион сатрдан кўпроғини ўз ичига олган энг тўлиқ варианти қирғиз бахшиси Сайқбай Қоралаев сўзларидан ёзиб олинган.

(ТАСС).

САЙЛОВГА БАҒИШЛАБ

«Юридик адабиёт» нашриётида кўп нусхада босиб чиқарилган нашрлар орасида «СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги қонун» шу қонун тексти босилган плакат. СССР Конституцияси ва иттифоқдош республикалар Конституцияларининг тўлиқ матнлари ва текстлари киритилган тўплам бор.

Нашриётда ТАСС мухбирига маълум қилишганидек, бир неча туркум илмий-оммабоп китоблар ҳам мамлакат давлат ҳокимияти олий органига ўтказиладиган сайловга бағишланган. Бу китобларда СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги янги қонуннинг аҳамияти кўрсатилади, СССР Конституциясининг энг муҳим қоидалари ва принциплари тушунтириб берилади, олий ва маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисидаги қонунларнинг гаркиб топиши, ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши анализ қилинади, гражданларнинг социализм шароитидаги ҳуқуқий аҳволига оид масалалар ёритиб берилади.

«Совет қонуни ва мен» мавзуидаги китобларнинг туркуми биринчи марта овоз берадиган йигит ва қизларга аталган. Бу китоблар ёш китобхонларни совет ёшлари ҳуқуқий аҳволининг асослари, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, Ватан ва халқ олдидаги бурчи ҳамда масъулияти билан таништиради. «Ёшлар учун ҳуқуқий билим асослари» китобида СССРнинг давлат ва ижтимоий тузилиши, амалдаги қонунлар тўғрисида ҳикоя қилинади.

«Махаллий совет депутатига» туркумидаги китобларда халқ вакилларининг иши тўғрисида гап боради.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ГИЛМОЯ

Ҳар куни Грузиянинг Махарадзе районидан ўнлаб шаҳарларга жуда кўп миқдорда гилмоя юборилиб турилади. Бўз-кўкиш, сариғиш, пушти ва бошқа туслардаги гилмоя саноатда бензин, керосин, сурков мойларини тозалашда ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Кейинги йилларда Грузияда катта гилмоя конлари топилди. Бу ердан уни мамлакатнинг турли районларига олиб кетишади. Метро қуришда ва бошқа ер ости иншоотларини қуришда ҳам ишлатилади. Республика чет элларнинг буюртмаларини ҳам бажаради. Куба, Афғонистон, Швейцария ва бошқа мамлакатларга ҳам гилмоя юборилади.

Р. ДАВИДОВ,
ТАСС мухбири.
Тбилиси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

• *Социализм мамлакатларида*

СОФИЯ МЕТРОСИ

СОФИЯ. Болгария пойтахтида метрополитенининг биринчи станцияси қурила бошланди. Ер ости трассасининг узунлиги 7,5 километрга борадиган биринчи участкаси 1986 йилда фойдаланишга топширилади. Метрополитен линияларининг жами узунлиги 100 километр чамаси бўлади. Ленинграддаги «Ленметропроект» институти лойиҳалаган София метросининг қурилишида Болгариядан 80 та ва Совет Иттифоқидан 40 та корхона қатнашиши мўлжалланади. Пойтахт метросининг вагонлари Совет Иттифоқида қурилади.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

БУДАПЕШТ. Венгрия кемасозлик ва кран заводларининг коллективи шу йил СССРга пландан ташқари бешта порт крани жўнатиш мажбуриятини олди. Бугунги кунда ушбу корхона ясаган порт кранлари ва сузувчи кранларни Совет Иттифоқининг кўпгина денгиз ва дарё портларида учратиш мумкин.

Яқинда совет инженерлари ишлаб чиққан лойиҳа асосида ҳамда совет машина-ускуналаридан фойдаланган ҳолда заводда реконструкциялаш ишларига киришдилар. Мутахассисларнинг фикрича, реконструкция ишлари битгач, маҳсулот ишлаб чиқариш 70 процент кўпаяди.

(ТАСС).

ЯНГИ ИНСТИТУТ

УЛАН-БАТОР. Бу йил Ғарбий Монголиядаги Кобдо аймоғининг маркази бўлган Кобдо шаҳрида янги педагогика институти очилади. Бу ўқув юрти республиканинг Ғарбий районларидаги умумий таълим ўрта мактаблари учун кенг профилдаги ўқитувчилар тайёрлайди. Бу институт мамлакатдаги педагог кадрлар малакасини ошириш маркази ҳам бўлиб қолади. Халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан ўртага қўйилган катта вазифалар ўқитувчилар ва педагоглар тайёрлашни кучайтиришни тақозо этмоқда. Ҳозир Монголияда ўқитувчиларнинг 17 минг кишидан кўпроқ армияси меҳнат қилмоқда. 1979 йилда олий ва ўрта махсус маълумотли бир мингдан кўпроқ ёш мутахассис уларнинг сафига қўшилади. Давлат университети, педагогика институти ва бир қанча педагогика билим юртлари ўқитувчи кадрлар тайёрламоқда. Монгол йигит ва қизларидан ўнлаб киши қардош мамлакатнинг олий ўқув юртларида ҳар йили ўқитувчилик дипломларини олмоқда.

БОЛИВИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ЛА-ПАС. Боливия президенти генерал Давид Падилья Арансибиа ўтган йилнинг 24 ноябрида давлат тўнтаришидан кейин ўзи тузган, истеъфога чиққан ҳарбий ҳукумат ўрнини эгаллаган янги министрлар кабинетини қасамёд қилишга олиб келди.

Янги кабинет составида ўзининг тараққийпарвар тенденциялари билан ажралиб турган қишлоқ хўжалиги ва деҳқончилик ишлари министри ҳамда меҳнат министри алмаштирилди. Ҳукуматнинг бошқа аъзолари аввалги лавозимларида қолдилар.

ФАЛАСТИНЛИК СТУДЕНТЛАР НАМОЙИШИ

АММОН. Ҳайфа шаҳри университетининг фаластинлик студентлари сионизмни кескин қоралаб чиқдилар. Улар Исроилда тарқатган баёнотида таъкидланадики, Исроил босиб олган территорияларнинг Араб аҳолиси ўзини фаластинлик араб халқининг ажралмас қисми деб ҳисоблайди ва Фаластин Озодлик ташкилотини ўзининг бирдан-бир қонуний вакили сифатида тан олади.

(ТАСС).

ДЎСТЛИККА БАҒИШЛАНГАН МИТИНГ

ҚОБУЛ. Афғонистон пойтахтида Афғонистон— Совет дўстлигига бағишланган тантанали митинг бўлди. Қишлоқ хўжалиги ва ер ислоҳоти министри Солиқ Зерай йиғилиш аҳли ҳузурида гапириб, Афғонистон Демократик Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга юксак баҳо берди. У АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Н. Тараки нинг яқинда СССРга қилган расмий дўстона визити икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни янада ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлганлигини айтди.

ИНДИВИДУАЛ АППАРАТ

НЬЮ-ЙОРК. Англиянинг «Осел» фирмаси катта чукурликларда сув остида тадқиқотлар олиб боришда ишлатиладиган индивидуал аппарат яратди.

Аппаратнинг узунлиги 2 метргача борадиган ва механик «қўллар» ва ҳар қандай йўналишда ҳаракат қилиш учун тўртта паррак билан таъминланган герметик корпусдан иборат. Одатда аппарат иш чоғида сув устидаги кема билан кабель орқали боғланади. Лекин зарурат туғилганда у кабелдан ажралиб сувда 36 соатгача юриши мумкин.

Англияда қон босимини ўлчайдиган автомат яратилди. Танга ташласангиз нифоя, орадан 50—70 секунд ўтгач таблода қон босимингизни кўрсатувчи рақамлар пайдо бўлади.

Кейстон — ТАСС фотоси.

АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛОВЧИЛАР ҲАРАКАТИ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

ЛОНДОН. Американинг «Ва эллин инкорпорэйтед» фирмаси электр энергияси ҳосил қилиш учун йўлда кетаётган автомобиль ва пиёдалар энергиясидан фойдаланишни таклиф қилди.

Бунинг учун йўл ва йўлкаларнинг юзи суюқлик тўлдирилган новларни ёпиб турувчи эгилувчан тасмалар билан қопланади. Автомобиль ёки пиёда вазнининг таъсирида бундай тасма эгилиб, новдаги суюқликни гидромагистрал орқали гидромоторга ҳайдайди ва у электр генераторини айлантиради. Шу тахлитда ҳосил қилинган электр энергиясидан кўча чироқларини энергия билан таъминлашда ва аккумуляторларни зарядлашда фойдаланиш мумкин.

(ТАСС).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ЖЕНЕВА. Шу йил ёз Швейцария дунёнинг турли мамлакатларидан келган эсперанточиларнинг учрашиш жойи бўлади. 28 июлдан 4 августгача Люцернада шу тилни билувчиларнинг Халқаро съезди ўтказилади. Швейцария эсперанточилар жамиятининг маълумотларига кўра, унинг ишида 2 мингга яқин делегат қатнашади.

* * *

РИМ. Италияда мавжуд 3.435 расм галереялари, музейлар ва экспозиция залларидан қарийб 1500 таси қўриқлаш ва сақлаш учун давлат ажратадиган маблағ етишмаслигидан томошабинларга ёпиб қўйилган. Италия маданий меросини ҳимоя қилишга бағишлаб Римда ўтказилган симпозиумда мана шу рақамлар айтилади.

(ТАСС).

Физкультура ва спорт

• *Қуйи физкультура коллективларида*

САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

«Союзхлопкомаш» бирлашмаси Тошкент машинасозлик заводи физкультура коллективи Совети 1978 йилда амалга оширилган ишлар якунини кўриб чиқди ва шу йилда амалга ошириладиган ишлар планини тузди.

Корхонада физкультура ва спорт билан шуғулланадиган кишиларнинг сафи анча кенгайди. Ҳозир спорт билан бу ерда 623 киши мунтазам шуғулланяпти. Ўтган мавсумда бир спорт мастерлигига кандидат, беш биринчи разрядли, 151 оммавий разрядли спортчи тайёрланди. 259 киши «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» комплекси нишонини тақиб юриш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ҳозир корхонада умумжисмоний тайёргарлик группаси, баскетбол, волейбол, стол тенниси, оғир атлетика секциялари ишлаб турибди. Айниқса В. Пшеничний раҳбарлик қилаётган классик кураш секцияси қатнашчилари катта муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Бу секцияда ўтган йили бир спорт мастерлигига кандидат ва беш биринчи разрядли спортчи тайёрланди.

Физкультура Совети якинда 1979 йил планини тасдиқлади. Унда кўрсатилишича корхонада спортнинг айрим турлари бўйича ташкил қилинадиган мусобақалардан ташқари завод спартакиадаси ҳам ўтказилади. Корхона спортчилари XVI шаҳар спартакиадасида иштирок этадилар.



Чимён чўққисида.

П. Боросов фотоэтюди.

МУСОБАҚАЛАР ХРОНИКАСИ

Одесса шаҳрида волейбол бўйича олий лига аёллар командаларининг иккинчи тур мусобақалари давом этмоқда. Тошкентнинг «Автомобилист» командаси беллашувларнинг тўртинчи куни турнир пешқадами Свердловскнинг «Уралочка» командаси билан майдонга чиқди. Ниҳоятда қизиқарли ўтган бу учрашувда 3:1 ҳисобида ғалабага эришган свердловсклик қизлар пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамлаб олишди.

∴ ∴ ∴

Баскетбол бўйича мамлакат биринчилиги биринчи лигасида қатнашаётган эркаклар командаларининг босқич мусобақалари ниҳоясига етди. Финал мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини муддатидан олдин қўлга киритган Тошкентнинг «Университет» командаси сўнгги икки учрашувни Николаевск шаҳрида маҳаллий «Буревестник» командаси билан ўтказди. Бу учрашувлар ниҳоятда қизиқарли бўлди. Дастлабки куни майдон эгалари ғалаба нашидасини суришди. Такрорий учрашувда эса ҳамшаҳарларимизнинг қўли баланд келди. Бу икки команда финал учрашувларида қатнашишади.

* * *

Вильнюс шаҳрида волейбол бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида қатнашаётган эркаклар командалари чемпионат ўйинларини давом эттиришмоқда. Тошкентнинг «Динамо» командаси тўрт учрашув ўтказиб уч марта ғалабага эришди. Ҳамшаҳарларимиз майдон эгалари — «Куроапаратура» командаси волейболчилари билан бўлган ўйинни бой беришди. Шундай қилиб улар тўрт учрашувда уч очко тўплашга муваффақ бўлдилар.

∴ ∴ ∴

Таллин шаҳрида классик кураш бўйича «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти марказий советининг шахсий биринчилиги бўлиб ўтди. Бу беллашувларда республикамиз полвонлари яхши қатнашдилар. Жумладан ҳамшаҳарларимиздан А. Филатов ва В. Тимченколар биринчилик шохсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилишди. Г. Никаноров ўз вазнтоифасидаги полвонлар баҳсида иккинчи ўринни эгаллади. Т. Усмонов учинчи ўринни қўлга киритди.

«Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятининг эркин курашчилари эса Кишиневда ўтказилган баҳсларда қатнашдилар. Республикамиз вакиллари Р. Режаматов, С. Абдураҳмонов ва В. Ляховлар иккинчи ўринни эгаллашди.

МАҲОРАТ КЎРИГИ

Авторалли — бу автомобилни юксак маҳорат билан бошқариш, ҳаракат давомида ҳеч қандай нуқсонга йўл қўймаслик демакдир. Спортнинг бу тури ҳайдовчиларнинг жасорати, иродаси ва тиришқоқлигини синовдан ўтказади. Ўзбекистон ДОСААФ Марказий Комитети томонидан ўтказилаётган республика қишки-команда биринчилиги баҳсларидан кутилган асосий мақсад спортнинг ҳарбий-техник турларини ривожлантиришга ёрдам бериш, унга кўплаб ёшларни жалб қилишдир. Яқинда Кибрай посёлкасидаги стадионда авторалли бўйича республика қишки-команда биринчилигига старт берилди. Бу қизиқарли беллашувларда Тошкент, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро ва Наманган областларининг командалари иштирок этишди. Шунингдек, Озарбайжон ва Тожикистон вакиллари ҳам ўз маҳоратларини синаб кўрдилар. 560 километрдан зиёдрок мураккаб трасса Тошкент областининг тоғли районларидан ўтар эди. Дастлаб 34 экипаж йўлга чиқди. Улардан фақат 29 таси маррага етиб келди.

Барча экипажлар ҳам қийин ва мураккаб вазифани нуқсонсиз бажаришга, маррага жарима очколарисиз етиб келишга ҳаракат қилишди. Аммо Чимён тоғлари, Ғазалкент посёлкаси, Олмалиқ яқинидаги, Олтинтопган тепалигидаги йўллар ниҳоятда мураккаб эди. Вазифанинг аниқ ва нуқсонсиз бажарилишига қуюқ туман ҳам салбий таъсир кўрсатди. Натижада пойгачилар ҳаракат графигига тўла амал қилолмадилар.

Умумий якунда озарбайжонлик спортчилар ғолиб чиқишди. Иккинчи ўринни Тошкент области, учинчи ўринни эса Фарғона областининг вакиллари эгаллашди. Аммо мусобақалар асосан республика командалари ўртасида ташкил қилинганлиги туфайли кўчма кубок Тошкент областининг вакилларига берилди. Озарбайжон командасига эсдалик кубоги топширилди. В. Ведерников, С. Клейнер, Р. Собиров, В. Пилаев, А. Запруцко, В. Баранов ғолибликни қўлга киритиш учун жуда катта маҳорат сарфлашди. Улар мусобақа давомида техникага меҳр билан қарашларини намойиш этдилар.

Ғолибларга мукофотларни Ўзбекистон ДОСААФ Марказий Комитети раисининг ўринбосари В. Глебский ва авторалли бўйича Ўзбекистон терма командасининг тренери В. Новинскийлар топширишди. Бу мусобақалар авторалли бўйича шу йилнинг май ойида Андижон шаҳрида бўладиган Ўзбекистон биринчилигига тайёргарлик кўришда муҳим босқич вазифасини ўтади.

А. НИЁЗОВА.

ФАХРИЙ ШОҲСУПАДА—ЁШ СПОРТЧИЛАР

«Ёш куч» жамиятининг спортчилари эркин кураш бўйича Бухорода ўтказилган Ўзбекистон ўспиринлар шахсий — команда биринчилигида ишончли ғалабани қўлга киритдилар. Улар ана шу нуфузли турнирнинг 16-олтин медалидан тўққизтасини олишга сазовор бўлишди. Бухоро ғиламидаги беллашувларда республиканинг ҳамма область ва шаҳарларидан 154 курашчи иштирок этганини айтиб ўтиш кифоя.

Ўз вазн категорияларида О. Багиров (Самарқанд области), В. Герасимов, С. Халимонов (иккаласи Тошкентдан), Ф. Каримов (Тошкент области), Л. Ёқубов (Самарқанд области), М. Бозоров (Бухоро области), В. Дятлов (Тошкент), Л. Исмоилов (Тошкент области), Х. Исчонов (Хоразм области) ўз командаларига ғалаба келтирдилар. Бу курашчилар фахрий шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилдилар.

ХОККЕЙ

ҲАМОН ЎЗГАРИШ ЙЎҚ

«Бинокор» командаси хоккейчилари ўтган турда «Юбилей» марказий спорт залида Саратовнинг «Кристалл» командаси спортчилари билан куч синашдилар. Шуни таъкидлаш керакки, «Бинокор» бу сафар майдонга тўла составда чиқди. «Кристалл» командаси ҳозир жуда яхши формада эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. Бу команда мавсум бошлангандан бери турнир жадвалидаги пешқадамлар сафидан жой олиб келяпти.

Ўйиннинг дастлабки минутларида бинокорчилар бўш келишмади. Улар пешқадам коллектив билан тенг баҳслашиш маҳоратига эга эканликларини исботлашга ҳаракат қилишди. Майдон эгалари тез ва шиддатли ҳужумлар уюштиришди. Фақат меҳмонларнинг ҳимоячилари ва дарвозабонининг маҳорати туфайлигина улар дарвозага шайба кирита олмади. Биринчи бўлимнинг 17-минутида меҳмонларнинг ҳужумчиси Козлов узоқ масофадан туриб ҳисобни очишга эришди. Орадан бир минут ўтганидан кейин Оськин мезбонлар дарвозасига иккинчи шайбани киритди. Ўйиннинг иккинчи бўлимида «Кристалл» командаси ўйинчилари камчилик бўлиб ҳаракат қилаётганларида Погорельский ҳисоблар ўртасидаги фарқни ўзгартирди. — 1:2. Лекин кўп ўтмасдан яна «Кристалл» командаси ўйинчилари дарвозани аниқ нишонга олишди — 1:3.

Учинчи бўлим ниҳоятда кескин кураш вазиятида ўтди. Бинокорчилар меҳмонлар дарвозасига яна бир шайба киритишди. Ўйиннинг тугашига 40 секунд вақт қолганида хатога йўл қўйганлиги учун «Бинокор» хоккейчиларидан бири майдондан чиқариб юборилди. Команда устози дарвозабонни ўйинчига алмаштирди. Бинокорчилар ҳисобни тенглаштириш ниятида ҳужумга зўр беришди. Лекин ҳисоб ўзгармади.

Иккинчи учрашувда меҳмонлар дарҳол ташаббусни қўлга олишга ҳаракат қилдилар. Бу уларга муваффақият келтирди. Оськин ҳисобни очди. Ўйиннинг ўнинчи минутида тошкентлик Новоселов ҳисобни тенглаштирди. — 1:1. Асосий воқеалар учинчи бўлимда юз берди. Бу сафар ҳам ўйин қизиқарли бўлиб, Комраков майдондан чиқариб юборилган пайтда меҳмонлар ҳисобни ўзгартиришга эришдилар — 1:2. Учрашув тугашига бир неча минут қолганида Самохвалов ҳисобни тенглаштирди — 2:2.

Шундай қилиб, «Бинокор» командаси қисқа муддатли танаффуддан кейин ўз майдонида яна уч очкони бой берди.

△ ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ

ЙИЛНИНГ АСОСИЙ БАҲСЛАРИ

Редакциямизга А. Прохоренко, В. Сандаматов, А. Гусев сингари жуда кўп газетхонлар хат йўллаб, шаҳар спорт комитети бу йил қандай оммавий тадбирларни амалга оширишни белгиланганлигини аниқлаб беришни сўрашмоқда. Биз Тошкент шаҳар спорт комитетининг раиси Н. Р. Бойжоновга мурожаат қилиб, ундан йилнинг асосий баҳслари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Яқинда спортчиларимиз «Олтин шайба» клуби совғини учун ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этишади. Бу мусобақа натижалари турар жойлар ўртасида ўтказиладиган шаҳар спартакиадаси натижаларига қўшилади.

Март-апрель ойларида шаҳардаги олий ўқув юртларининг XIX спартакиадаси бўлиб ўтади. Апрелда яна студент спортчиларнинг беллашувлари бўлади. Ўтган йили бу баҳсларда 30 мингдан ортиқ студент иштирок этган эди. Май ойида ўқувчиларнинг XXV спартакиадаси бўлади. 15 сентябрдан 7 октябргача давом этадиган XVI Тошкент шаҳри спартакиадасини энг асосий мусобақалар дейиш мумкин.

Ҳозир Тошкентнинг 500 дан зиёд энг кучли спортчиси СССР халқдари VII спартакиадасида қатнашиш учун тайёргарлик кўришмоқда. Бу спартакиада 1980 йилда Москвада бўладиган Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўришида асосий босқич вазифасини ўтайди.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

«Ёшлик» спорт аренасида енгил атлетика бўйича СССР Кубогининг зонал мусобақалари бўлиб ўтди.

Қизғин баҳслардан кейин Кубокнинг навбатдаги босқич мусобақаларида иштирок этадиган тўрт команда аниқланди. Улар Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд областларининг терма командаларидир.

Шуни айтиш керакки, беллашувлар ниҳоятда кескин кураш остида ўтганига қарамасдан яхши натижалар кўрсатилмади. Фақат Тошкент командасининг вакили П. Воробьев ишқибозларни ва мутахассисларни хушнуд этди. У 60 метрлик масофани 6,4 секундда босиб ўтди. Бу натижа мамлакатимиздаги энг яхши натижалардан биридир.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/I да Оламнинг яратилиши, 20/I да Сўғд элининг қонлони.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/I да Уйланиш, 20/I да Қиёмат қарз.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/I да Она қизим, 20/I да Йиллар ўтиб.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/I да Чандиқлар, 20/I да Ташвишланманг онажон.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— «Ўрт нуёв» эстрада-цирк лўлилар ревюсининг гастроллари.

КИНО

19 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЛЕНИН ВА КРУПСКАЯ» — Восток.

«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — Мир.

«ИЛТИФОТГА ШОШИЛИНГ» — Навоий номли.

«УЗОҚ ВА ЯҚИН ОСМОН» — Қозоғистон.

«БИР ТОМЧИ НИКОТИН» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚОРА ҚАПИН»— Санъат саройи.

«КАМБАҒАЛЛИК АПБ ЭМАС»— Восток, ВЛКСМ 30 йиллиги, Ғунча.

«АФСУС-НАДОМАТ» — Лисунов номли.

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — Навоий номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Чайка, Ғ. Ғулом номли, Кўнча, С. Раҳимов номли, Москва, Узбекистон ССР 25 йиллиги, ВЛКСМ 30 йиллиги, Мир, Искра, Ҳамза номли, Янгиобод, Нукус, Фестиваль.

20 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«Л. И. БРЕЖНЕВ УЗОҚ ШАРҚДА» — Ҳамза номли.

«ЛЕНИН ВА КРУПСКАЯ» — Восток.

«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — Мир.

«АМЕРИКАЛИКЛАР БИЗ БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР» — Москва.

«ИЛТИФОТГА ШОШИЛИНГ» — Навоий номли.

«РАССОМ ИЛЬЯ ГЛАЗУНОВ»— Нукус.

«УЗОҚ ВА ЯҚИН ОСМОН» — Қозоғистон.

«БИР ТОМЧИ НИКОТИН» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги.

«ҚОРА ҚАПИН ҲАҚИДА ҚИССА»— Москва.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚОРА ҚАПИН» — Санъат саройи.

«КАМБАҒАЛЛИК АПБ ЭМАС» — Восток, ВЛКСМ 30 йиллиги, Ғунча.

«АФСУС-НАДОМАТ» — Лисунов номли.

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — Навоий номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Ғ. Ғулом номли, Чайка, Кўнча, С. Раҳимов номли, Москва, Узбекистон ССР 25 йиллиги, ВЛКСМ 30 йиллиги, Мир, Искра, Ҳамза номли, Янгиобод, Нукус, Фестиваль.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
21, 22, 23, 24 январь
соат 20.00 да
ДАВЛАТ ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
«ЯЛЛА»
ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ
КОНЦЕРТИ

Бадиий раҳбар — Ф. ЗОКИРОВ.

Балетлар соат 14.00 дан сотилади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги Адҳам Юнусов номли 234-мактаб томонидан Улуғбек Лутфуллаев номига берилган 293186 номерли йўқолган 8-синфни битирганлиги тўғрисидаги

ГУВОҲНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
20, 21, январь соат 14.00 да
СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН
«А» КЛАССИНИНГ БИРИНЧИ ГРУППАСИДАГИ
«ДИЗЕЛИСТ» (Пенза) — «БИНОКОР» (Тошкент)
КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА
ХОККЕЙ

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали кассаларида сотилмоқда.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИ ХИЗМАТИГА

электр-газ пайвандчилар, ёрдамчи ишчилар, слесарь-сантехниклар, юк ташувчи электрокара ҳайдовчилари, моддий-техника таъминоти бўлими ишчилари, фарроплар, электромеханиклар, аэродром ишчилари, қабул қилиб олувчи-топшируувчилар, бухгалтер-ревизорлар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» «СТРОИМЕХАНИЗАЦИЯ» трестининг 1-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА

бульдозер ва экскаватор машинистлари.

«СРЕДАЗКАБЕЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

броиловчилар, изолировкачилар, дурадгорлар, омборчилар, токарлар, слесарлар, электрчилар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАСИГА

юкчилар, слесарлар, булка цехи ишчилари, тортчилар,

КИРОВ РАЙОНИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАСИГА

сигарета агрегатлари машинист-регулировкачиларининг шогирдлари, сигарета агрегатлари машинистларининг шогирдлари.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА:

математик-программаловчилар, радиоэлектрониклар, ицтисодчилар, операторлар, электрон ҳисоблаш машиналари операторларининг шогирдлари.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

бош бухгалтер ўринбосари, моддий бўлим бухгалтери.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти— Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. Икромов район пункти — 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

Туристлар

Сизни ЎЗБЕКИСТОН шаҳарлари бўйлаб ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

240-МАРШРУТ — «ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ»: «Тошкент (4 кун)— Янгиобод (4 кун)—Хива (4 кун) — Бухоро (4 кун) — Самарқанд (4 кун)».

Бу маршрут бўйича саёҳатлар март ойидан бошлаб ноябрь ойигача ўтказилади.

САЁҲАТ 20 КУН ДАВОМ ЭТАДИ.

Путёвка баҳоси — 155 сўм.

246-МАРШРУТ— «ФАРҒОНА ҲАЛҚАСИ»: «Тошкент (3 кун) — Қўқон (3 кун)— Фарғона (3 кун)— Андижон (4 кун) — Янгиобод (4 кун) — Тошкент (2 кун)».

ХИВА

Бу маршрут бўйича саёҳатлар май ойидан бошлаб октябрь ойигача ўтказилади.

САЁҲАТ 18 КУН ДАВОМ ЭТАДИ.

Путёвка баҳоси — 110 сўм.

238-МАРШРУТ—«ТОШКЕНТ — ОҒАЛИҚ»: «Тошкент (5 кун) — Янгиобод (5 кун)— Ширин (5 кун)— Ёшлик (5 кун)».

Бу маршрут бўйича саёҳатлар май ойидан бошлаб ноябрь ойигача ўтказилади.

САЁҲАТ 20 КУН ДАВОМ ЭТАДИ.

Путёвка баҳоси — 105 сўм.

САМАРҚАНД

Путёвка баҳосига Тошкентдан автобусда бориш ва келиш, шаҳарлардаги туристик базаларда яшаш ва овқатланиш ҳамда экскурсия хизмати ҳақи киради.

Корхоналар, муассасалар касаба союзларининг область комитетлари, фабрика-завод маҳаллий комитетларининг раислари

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси 1979 йилга путёвкаларни сотиш бўйича ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШГА КИРИШДИ.

Мурожаат учун адрес: 700078, Тошкент шаҳри— 78, Парадлар хиёбони, 5-уй (Ленин майдони). Телефон: 39-13-59.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

19 ЯНВАРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

16.50 «Говенда» болалар ансамблининг концерти. (Польша). 17.40 «Ёшлар адреслари». 18.30 «Жасорат». Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ёзувчи В. В. Карпов олиб боради. 19.00 «Ҳамма нарсани билишни истаймани». Киножурнал. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Халқ ижоди». 20.20 «Кузатувлар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Вақт». 22.05 «Балет ҳақида». Кўрсатувни СССР халқ артисти О. Лепешинская олиб боради. 23.25 Талабларингизга биноан. «Тонгги почта». Музикали программа. (такрорий кўрсатув). 23.55 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен — Совет Иттифоқи гражданиман!». 18.35 «Бердақ ҳақида сўз». Ҳужжатли фильм. 18.45 «Ахборот» (рус.). 19.00 «Мусобақа, мақсад, характер, тажриба». (рус.). 19.30 «Театр учрашувлари» (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Тошкент шаҳар Ғ. Охунбобоев номли Маданият уйи дуторчилар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт». 22.05 «Дала ишлари кундалиги». 22.20 «Телевидение экранида биринчи марта». «Биография факти». Бадиий фильм. «Беларусьфильм». 23.35 Кўрсатувлар программаси.

20 ЯНВАРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.55 «Мен сахий ер бўйлаб бораяпман». Шимол рус халқ хори иштирокида концерт. 18.35 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.20 Ж. Верди. «Травиата». Фильм-опера. (ГДР). 21.30 «Вақт». 22.05 «Валли, қизлар!». 23.50 Конькида югуриш спорти бўйича Европа чемпионати. (Эркаклар 500 метр). Голландиядан олиб кўрсатилади. 00.20 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Фарғона область, Ленинград район Маданият уйи «Тановар» ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 11.10 «Узбекистон спорти». 11.40 «Нафосат оламида». «Дрезден галереясининг шоҳ асарлари». 12.10 «Кинопублицист экрани». Кинокўрсатув. 13.00 «Жанговар постда». (рус.). 13.30 «Телевидение экранида биринчи марта». «Балоғатга етмаган ешлар». Бадиий фильм. (М. Горький номли болалар ва ўсмирлар учун фильмлар киностудияси).

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Қўғирчоқлар рақсга тушади». Болалар учун мультфильм. 17.45 «Шоирлар — болаларга». Кўрсатувни шоир Пўлат Мўмин олиб боради. 18.15 «Инсон ва қонун». 18.45 «Ахборот» (рус.). 19.00 «Финифт». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.10 «Жаҳон бир ҳафта ичида». 19.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қизлар даврасы». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ёш ижрочилар концерти. 21.30 Москва. «Вақт». 22.05 «Ленин орденли Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг 60 йиллигига. Софокл. «Шоҳ Эдип». Телевизион спектакль. 23.30 «Ёшлик» спорт аренасининг совғини учун енгил атлетикадан XI қишки Ўзбекистон биринчилиги. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Ғунчахон санъат». 17.20 «Кинокамера билан саёҳат». 18.15 «Новости» информацион программаси. 18.35 Москва. «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.20 Ёшлар учун спорт программаси. 20.20 «Ахбор». 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

«Ташгаз» бирлашмаси коллективи бирлашма ходими А. Абдувалиевга онаси
Мишонди АБДУБОҲИДОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 Тошкент бет. Оқшоми
19 ЯНВАРЬ, 1979 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85 шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; аъзолар бўлими — 33.81-42, нашриёт диспетчери 32.78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—01737. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Е— 1218.